



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСЙ ГАЗЕТАСИ

№ 113 (10.418)

2005 ЙИЛ 13 ИЮНЬ

## ПОЙТАХТНИНГ Сир КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСКА

● **ЎТГАН** кун **Фафур Фулом** номидаги маданият ва истироҳат борига "Маънавият ва маърифат" маркази ташаббуси билан ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ташкил этилган "Нотиқлик санъати" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.

● **ЎТГАН** кундан Миробод туманидаги 110-мактаб қошида ёзи оромгоҳ ўз фаолиятини бошлади.

● **ФУКАРОЛИК** жамиятини ўрганиш институтида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон-либерал демократик партияси, "Шарқ аёли" халқаро аёллар жамғармаси ҳамкорликларидан ўтказилган

дан давра суҳбати "Соғлом оила — соғлом жамият асоси" деб номланди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси ташаббуси билан бошланган "Иқтидорли ўқувчи— 2005" кўрик-танлови якунига етди. Тошкент педагогика коллежи ўқувчиси Дилдора Абдувоҳидова ғолиб деб топилди.

● **"СОҒЛОМ** авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси тасарруфидаги "Оила" тиббий маркази қошида фаолият кўрсатаётган "Кўшча" соғломлаштириш болалар оромгоҳи мавсумини очди.

● **БҒУН** "Рақат" маҳалласида маҳалла фуқаролари ҳамда шифокорлар ишларида ўтказилган "Тригп ва унинг асоратлари" мавзусидаги давра суҳбати "Камолот" ЁИХ Яқсарой туман Кенгаши томонидан уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Матбуот хизмати ва ўз  
мухбирларимиз  
хабарларидан.

«Компрессор заводи» акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган хилма-хил филтрлар сифати билан буюртмачиларни жалб этмоқда.

**СУРАТДА:**  
штамповкачи  
**Шуҳрат Азизов**  
тайёрланаётган ҳаво филтри корпусини кўздан кечирмоқда.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.



## XVI сағоси

Барча илбилардан олган сўнги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 10 июнь кун Оқсаройда Россия Федерациясининг «Политика» жамғармаси президенти Вячеслав Никонов раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда бюджет, солиқ сиёсати ҳамда банк тизимининг ўрни ва аҳамияти» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, кўмита, идора ва банкларнинг раҳбарлари, шунингдек, тадбиркорлар иштирок эттишти.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитасида «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Сирдарё вилоятида ижро этилиши муҳокама қилинди.

● Махсус комиссия Наманган вилояти шаҳар ва туманларидаги 703 маҳаллада «Сиҳат-соломатлик» йили дастури доирасида ўтказилган кўрик-танлов натижаларини кўриб чиқди.

● Кеча нишонланганидан Россия давлат байрами— Россия Кун арафасида пойтахтимизнинг Марказий Кўрғамалар залида Россия расм-чилик институтиларини тугатган ўзбек расмларининг асарлари кўргазмаси очилди.

● Андижоннинг барча туманларида «Андижонёғмай», «Асакаёғ» ҳиссадорлик жамиятларининг савдо дўконлари ташкил қилинди.

### Жаҳонда

● Лондонда ўтказилган кимовши савдоларида биринчи бор «Америка» сўзи ишлатилган ва биринчи бор Ер сайёраси тасвири туширилган қадимий харита 1 миллион долларга сотилди. У бундан 500 йил олдин, яъни 1507 йилда немис хаританависи Мартен Вальдземюллер томонидан чизилган.

● Испания полицияси 100 миллион евродан кам бўлмаган маблағни ноқонуний кўчириш билан шугулланган жиноий гуруҳнинг қилмишларини фош этди. Бу ҳақда мамлакат ички ишлар вазирлиги вакили маълум қилди.

● Тайван жабунидаги Шоушан тоғларида 30 га яқин маймун СНV-1 вирусини юқтирганлиги аниқланди. Тиббиёт ходимларининг оғохлантиришларида, ушбу вирус ҳайвонлар учун эмас, инсонлар учун ўта хавфлидир.

## РОССИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Мамлакатимизга Россиянинг «Политика» жамғармаси президенти Вячеслав Никонов раҳбарлигидаги делегация ташриф буюрди. Делегация таркибида Россия сиёсий тадқиқотлар институти директори Сергей Марков, «Политический класс» журнали бош муҳаррири Виталий Третьяков, «Труд» газетаси бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари Рафаэль Гусейнов ва Москва шахри мэрининг маслаҳатчиси Нурали Латипов бор.

Делегация аъзолари Андижон шахрида бўлиб, жамоатчилик вакиллари билан учрашди. Улар 13 май кун содир этилган фожиали воқеаларнинг гувоҳлари ва террорчилар томонидан гаровга олинганлар, фожа қурбонларининг оила аъзолари билан суҳбатлашди. Россиялик экспертлар террорчиларнинг миллати билан қизиқди. Жавоблардан маълум бўлдики, қонли воқеаларни амалга оширганлар орасида турли миллат вакиллари бўлган.

Мулоқотларда айрим хорижий оммавий ахборот воситаларида қурбонлар сони атайлаб ошириб кўрсатилгани ва фожиали воқеалар ноҳолис ёритилгани, кўпуровчилар орасида чет эл фуқаролари ҳам бўлгани, умуман, террорчилик ҳаракати хориждаги экстремистик марказлар

томонидан тайёрлангани таъкидланди.

Делегация аъзоларининг Тошкентда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуриндаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтининг (СМТИ) мутахассислари билан бўлган учрашувида минтақамизда кўпуровчиларни амалга оширишга ҳаракат қилаётган диний-экстремистик гуруҳларнинг мақсад-муддаолари тўғрисида гап борди. Марказий Осиёда барқарорликни таъминлаш борисида ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

Шу кун Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида россиялик меҳмонлар иштирокида фуқаролик жамиятини шакллантириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб

ўтди. Унда жамиятни демократлаштириш соҳида келгусида ҳаётга таъбиқ этилиши лозим бўлган вазифалар ҳақида фикр алмашилди.

Фараз ниятида турли оқимларнинг хуружларига барҳам беришда, жамиятни ҳар хил зарарли ғоялардан ҳимоя қилишда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Давра суҳбати қатнашчилари Ўзбекистонда бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидладилар.

Меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуриндаги Давлат ва жамият курилиши академияси профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари билан ҳам учрашди.

— Баъзи хорижий оммавий ахборот воситаларида Андижонда содир этилган фожиали воқеалар қурбонлари сонига оид рақамлар ошириб юборилган, — деди В.Никонов. — Ҳозир дунёда бундай хунрезликларни молиялаштирадиган ва бошқа йўллар билан қўлаб-қувватлайдиган ташкилотлар, афсуски, кам эмас. Андижондаги террорчилик ҳаракатларида Қирғизистонда март ойида юз берган воқеаларга алоқадор одамларнинг ҳам қўли борлигини инкор этиш қийин. Террорчилар орасида четдан келган одамлар ҳам бўлгани шундан далолат беради.

ЎЗА

## БЎҲТОННИНГ УМРИ ҚИСҚА

Тошкентлик пенсионер Анфим Хлизовнинг «Ҳайрмалар тарқатишдан мақсад нима?» мавзусидаги хатида, ҳақиқатан ҳам, қишини жиддий ўйлантирадиган саволларга жавоб изланган.

Андижон шахрида 13 май кун амалга оширилган террорчилик ҳаракатидан кейин айрим хорижий оммавий ахборот воситалари томонидан Ўзбекистон шаънига бўҳтонлар ёғдирилди.

Бир тўда қуролланган жиноятчилар қанча хунрезликлар қилиб одамларни гаровга олиб ўтиради айрим «журналистлар» кўр-кўрона уларга ён босади. Кўпуровчилар томонидан майдонда ташкил этилган «жонли қалқон»ни тинч намойиш деб атайди. Андижонда тартиб ўрнатилгач эса, «тинч аҳолининг ўлдирилгани» ҳақида афсоналар тўкиб тарқатади.

Аслида бундай «ижодкорлар»нинг кўпчилиги ўша кунлари Андижонда бўлмаган. Нафақат ўша кунлари, балки унча ва ундан кейин ҳам Ўзбекистонга йўли тушмаган. Президент Ислам Каримов

айрим оммавий ахборот воситалари орқали Ўзбекистонга таъйил ўтказишга уринишларнинг сабабини аниқ баён қилиб берди. Тергов ҳамма нарсага жой-жойига қўяди, кимнинг қўли қон бўлса, номи ошқор этилади. Шунда фаразли мақсадлар ҳам аёнлашади. Кўпуровчиларни тайёрлаган ва йўллаган марказлар ҳам инкор этиб бўлмас далиллар билан фош этилади. Мана шунга йўл қўймайлик, халқаро ҳамжамиятни қалғитиш учун «ахборот хуружи» ўйлаб топилганга ўхшайди.

Анфим Хлизов, ҳатто сиёсий ўйинлардан ва сиёсатдан ироқ одамга ҳам аёнки, хорижий ом-

мавий ахборот воситаларида олдиндан пухта режалаштирилган, Ўзбекистон ва унинг раҳбариятини куракда турмайдиган гуноҳлар билан айблагача қаратилган ялли ҳужум бошланган эди, дея тўғри таъкидлайди. Ҳақиқатан, бу «хабарлар» билан танишиш давомида уларнинг аниқ манбаи кўрсатилмагани, далиллар бир-бирига уланмагани, воқеалар ривожини узвий эмаслиги кўринади. Мақсад эса аён — фақат бўҳтон ва ўйдирмалар тарқатиш.

Бундай ўйдирмалар ҳар биримизнинг газабимизни кўзгаёйди, албатта. Ёши улуғ ҳамюртимиз куюнчақлик билан ёзган хатдаги саволлар барча юртдошларимизни қийнади.


Журналистлар ўз йўлига ҳам дейлик, улар кимнингдир бюртмасини бажараётгандир. Лекин бундай шароитда айрим сиёсатчиларнинг вазиятни ёлғон ва бўҳтон маълумотлар асосида баҳолаб, шулар натижасида пайдо бўлган тасаввур

таъсирида Ўзбекистонни ёмонотлиққа чиқаришини қандай тушуниш керак?

Халқимизда дўст кулфатда билинади, деган доно мақол бор. Биз терроризм балосига дуч келиб, унга қарши курашиб турганимизда ўша терроризм офатидан биздан-да кўпроқ жабр кўрган давлатларнинг айрим сиёсатдонлари Ўзбекистон ҳукумати ҳаракатларини қўллаш (ёрдами-ку айтмай қўя қолайлик) ўрнига, турли асосиз талаблар, давволар қўяётганини нима деб баҳолаш мумкин? Албатта, вақти-соати билан ҳаммаси изга тушади, кимнинг ким эканлиги аён бўлади. Ушанда улар бизнинг кўзимизга қандай қарар экан?!

Ўзбекистон учун, халқимиз учун бир нарса аниқ: ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди! Бошқача ўйлаганлар чувварани ҳам санабдилар...

ЎЗА



### Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Нигерия пойтахти Аддис-Абебада ўтган ойда бўлиб ўтган сайловлар жараёнида йўл қўйилган қонун бузилишлардан норози бўлган аҳоли кўчага чиқди. Сайлов бўлиб ўтганига тўрт hafta бўлишига қарамасдан натижалар эълон қилинмади. Хукумат бу ҳолни йўл қўйилган қонунбузарликлар юзасидан кенг миқёсдаги текширишлар олиб боришмоқда, дея изоҳламоқда.

● Ироқ Бош вазири вакили Луит Кубанинг «Ассошиэтед пресс» ахборот агентлиги муҳбирига маълум қилишича, собиқ диктатор Саддам Хусайн 12 банддан иборат айблов бўйича суд қилинади. Бундан ташқари, у билан биргаликда 500 нафар шахс ҳам судга тортилиши мумкин.

● Швейцарияда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра, аҳолининг кўпчилиги (56,4 фоизи) Европа Иттифоқининг Шенген ва Дублин виза тизимига ўтишни ёқлаб овоз берди. Хозирда ЕИнинг 13 мамлакатидан Шенген виза тизими амалда. ЕИнинг азоси бўлмаган Швейцариянинг мазкур тизимга кириши расмий Женевага Европа электрон ахборотлар базасига кириш имконини беради.

● Англия Бош вазири Тони Блэр европаликларнинг умумий воситаси ҳисобланмиш евро ниқин келажакда мамлакатда муомалага киритилмаслигини билдирди. Унинг Sky television телеканалига берган интервьюсида, бош вазирик мuddати тугамагунча, евро кириштишга ҳожат йўқлигини қайд этди.

● Қозғоғистон жанубида йўловчи автобус автохалокатга учраши оқибатида икки киши ҳалок бўлди, 12 нафар киши жароҳатланди. Бу ҳақда мамлакат фавқулодда вазиятлар вазирлиги матбуот хизмати хабар тарқатди.

● Стокгольм халқаро тинчлик институти эълон қилган маълумотларга қараганда 2004 йилда дунё мамлакатларининг ҳарбий мақсадларда ишлатган жами харажатлари 1 триллион доллардан ортиб кетди.

● Футбол кироли Пеленинг ўғли Эдсон Шолби Насименту Бразилиянинг Сантос шаҳрида ўтказилган гиёванд воситаларга қарши рейд давомида ҳибсага олинган. Кўпроқ Эдиньо номи билан машҳур бўлган футболчи 17 нафар гумондорлар орасида ушланган. Хозирча унга айблов эълон қилинмаган бўлса-да ҳавфсизлик органлари вакиллари уни гиёванд моддалар контрабандаси билан шуғулланган дейишмоқда.

Хозирги пайтда ҳаётимизни электр энергияси умуман тасаввур қилиб бўлмайди. Электр энергияси ҳамма учун сув ва ҳаводек зарур. Бирон бир жойдан ярим кечада пойтахтга қайтаётган бўлсангиз аввало кўча бўйларида қад ростлаган чироклар нури сизни қарши олади. Пойтахтимиз худуди йил сайин кенгайиб бораётганлиги боис кенг ва раво кўчаларда чароғон электр чироклари сони ҳам кундан-кунга ошиб бормоқда. Айни дамда электр тармоғидан фойдаланмайдиган бирон-та хонадон ёки оила йўқ. Ҳар қадамда, ҳар бир ишимизда электр энергиясига эҳтиёж сезамиз. Бугунги кунда шахримизни электр энергияси билан таъминлаш мақсадида «Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ходимлари тинимсиз меҳнат қилишмоқда.

### Қарор ва ижро

## ХОНАДОНИНГИЗ ЧАРОҒОН БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги Қарорига асосан 2005 ва 2008 йиллар мобайнида истеъмолчиларни электр энергияси ҳисобини масофадан туриб бошқаришдан замонавий электрон ҳисоблагичлар билан таъминлаш дастури киритилгандан кейин ушбу корхонада бу йўналишда биринчи қадамлар қўйилди. Яъни Тошкент шаҳрининг Миробод ҳамда Ҳамза туманларида масофадан компьютер билан бошқариладиган электрон электр ҳисоблагичларнинг 473 таси ўрнатилди.

Эътиборли томони шундаки, ушбу ҳисоблагичларга қўшимча монтаж ишлари керак эмас. Сабаби ҳисоблагичлар тармоққа тўғридан-тўғри уланади. Ишлаш жараёни кўп функцияли бўлиб, барчасини компьютер орқали бошқариш мумкин. Буларга мижознинг қарзи мавжуд бўлган ҳолда оғохлантиришдан кейин тармоқдан узиб қўйиши, ҳисоблагич кўрсаткичини ва қувватини куннинг исталган вақтида маълумот сифатида олиш ва компьютер хотирасида сақлаб қўйиш мумкин. Яна бир қулайлик томони шундаки, улар маълумотларни ўзи қувват олаётган электр симлари орқали юборади. Бундан ташқари Хитой Республикасида ишлаб чиқарилган аниқлик синфи юқори бўлган электрон электр ҳисоблагичларнинг 9 мингдан ортиги шахримиз хонадонларига ўрнатилди. Ушбу электрон электр ҳисоблагичларнинг истеъмолчиларга

қулайлик томонлари шундаки, илгариги индекцион ҳисоблагичлар мuddати ўтгандан сўнг аниқлик синфи пасайиб боради ва тўлов миқдори ҳам кўпайиб боради. Янги ўрнатилган электрон электр ҳисоблагичлари кўпга чидамли ва аниқлик синфини доимий сақлаб қолади.

Маълумки, жорий йилнинг февраль ойда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинган эди. Қарорда жумладан, коммунал хизматлар учун истеъмолчиларнинг ўз вақтида тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш ва масъулиятини ошириш, тарифларнинг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик, шунингдек коммунал тармоқлардан фойдаланиш, уларни техник жиҳатдан замонавийлаштириш ва қайта жиҳозлаш, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини моддий техника базаларини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Шунингдек, ушбу Қарорда «Газ ва сув тармоқларига ўзбошимчилик билан улашиб олган электр энергияси, табиий газ, совуқ ва иссиқ сув, иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказган, шунингдек, ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақса-

дида уларга ташқаридан аралаштиришга йўл қўйган қоида бузувчилар қонунчиликка мувофиқ жинойий жавобгарликка тортилдилар деган жумлалар келтирилган. Бу тўғри кўрсатма бўлиб, мазкур масалада қатъий чора-тадбирлар қўллаш мавриди аллақачон етиб келган эди. Хозирги кунда айрим кимсалар кундалик турмушимизда ҳаётий зарур нарсани ўғирлаш мақсадида электр ҳисоблагичлардан ташқари улаб олиш ҳоллари ҳам кўплаб учрамоқда. Бу ҳолни бартараф қилиш мақсадида жорий йилда Президентимиз томонидан чиқарилган Қарор «Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ходимлари учун ҳамда истеъмолчилар учун ҳам муҳим дастурил амал бўлиб хизмат қилмоқда.

Айни пайтда корхона ходимлари томонидан шахримизнинг Юнусобод, Собир Раҳимов, Яққасарой туманларидаги хонадонларга ҳамда корхона, ташкилотларга электрон электр энергияси ҳисоблагичлари бепул ўрнатиб берилмоқда. Шуниси қувонарлики, ушбу замонавий ҳисоблагичлар корхона қошида ташкил этилган «Электрон ҳисоблагич» Ўзбекистон—Хитой қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқарилмоқда.

Хулоса ўрнида шунга айтиш мумкинки, ушбу қилинган барча ишлар кундалик заруриятимизга айланган электр энергиясини аҳолига тенг тақсимлашда катта аҳамиятга эга.

Орузгул РУСТАМОВА

### Ободлик кўнгиладан

#### бошланади

## ҲАШАР БАРЧАГА ЯРАШАР

Мустақиллик йилларида юртимизда миллий кадр-иятларимизни янада қамол топтириш, дўстлик, бағрикенглик, ҳамжихатлик, табиатга меҳр ҳисси, маданий ва тарихий аъёнларни, урф-одатлар, удумларимизни давом эттириш яхши аънамага айланган.

Шунингдек ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, эпидемиологик ҳолатни янада яхшилаш ишлари ҳам уюшқоқлик билан ўтказилиб келинмоқда. Хусусан республикамиз санитария-эпидемиологик ҳолатини янада яхшилаш, аҳолининг яшаш жойлари ва маъмурий бинолар атрофини ободонлаштириш ҳамда тозаланиш доир ишларни ташкил этиш ва июнь ойининг биринчи декадасида санитария, гигиена ва экология маданияти кунлари ўтказилиши муносабати билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг кўрсатмаси талабларини бажариш мақсадида яқинда Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди.

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси маъмурий биноси, унинг атрофидаги кўча худудлари, бошқарманин Шайхонтохур тумани Навоий кўчаси 3-уйда жойлашган «Аҳолини тайёрлаш маркази», Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Марказий Ҳарбий базаси худудлари тозаланиб, ободонлаштирилди ва дарахлар оқланди. Умумхалқ хайрия ҳашарида бошқарманин 90 нафар ходимлари фаол иштирок этишди. Шахсий таркиби ва автотранспорт воситалари ҳам ҳашарга жалб этилди.

Айтиб ўтиш жоизки «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурида белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши бошқармада ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

**Хуснияҳон ТОҶИБОЕВА,**  
Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси матбуот гуруҳи ходими

### Тадбиркорлик

## ЯНГИ МАҲСУЛОТ

Бугунги бозор талаби юксак, харидор диди эса ана шунга яраша баланд. Буни англаган ва эътиборга олиб иш юритган тадбиркорнинг эса ошиғи олчи, десак асло муболага бўлмайди.

— Шу боис ҳам ўз маҳсулотларимиз турини нафақат ой, балки ҳафта сайин, кунига ўзгартиришга, харидор талаб ва эҳтиёжи асосида иш юритишга ҳаракат қиламиз, — дейди. «ШерАз-техно» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Азамат Абдуллаев. — 2000 йилдан бошлаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйган бўлсак, ҳозирга келиб маҳсулотларимиз турлари 200 хилдан ҳам ортиб кетди. Асосан маҳаллий хом ашёдан рўзгорда асқотадиган турли хил идишлар, эсдалик совғалари, гултуваклар, маиший-ҳўжалик буюмлари тайёрлаймиз.

Корхонада меҳнат қилаётган 20 нафардан зиёд ишчи-хизматчи керакли дастгоҳлардан ҳамда қўл меҳнатидан унумли фойдаланиб, маҳсулотларга шакл ва безак беришда алоҳида ғайрат ҳамда маҳорат кўрсатишди. Моҳир расом усталарнинг изланишлари эса маҳсулот кўрқини очишда, уни чиройли таъмирлашда катта аҳамият касб этади.

Тадбиркорлар пойтахтимиздаги 10 дан зиёд савдо шохобчаларига ўз маҳсулотларини етказиб беради. Шу билан биргаликда ўзларининг фир-

ма дўконларини ҳам очишга муваффақ бўлишган. Улар тайёрлаётган ҳар бир маҳсулот харидорини топиши учун фирма дўқонида ва ўзлари ҳамкорлик қилаётган савдо шохобчаларида маркетинг ишлари яхши йўлга қўйилган. Бу, албатта буюмларнинг янги турларини яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Изланиш, бозорни ўрганиш асосида муваффақиятларга эришиш мумкинлигига амин бўлган корхона мутасаддиларига жорий йилда янги режалар устида ишлашмоқда. Улар ҳозирда ишлаб чиқаришни кенгайтириш асосида техника ҳамда қурилиш анжомлари керамикаси тайёрлашни ўзлаштиришмоқда. Албатта, бундай маҳсулотлар билан ички бозорни таъминлаш кўзда тутилган бўлиб, янги ишчи ўринлари ҳам очилди.

Нафиса ИГАМНАЗАРОВА

— Хурматли Шоазим ака, Андижонда содир этилган мудҳис воқеалар, фожиа ташкилотчилари ва ҳодиса оқибатлари мамлакатимизда атрофлича таҳлил этиляпти. Уринли бир савол туғилади: «Акромиёллар» ташкилотининг асл мақсади нима ўзи? Бу мутаасибликми ёки улар муқаддас дини Исломни тақомиллаштиришмоқчимиз? Шу ҳақдаги фикрларингизни ўртоқласангиз.

— Биринчидан, бу йўналиш асосчиси Ақром Йўлдошев ва унинг маслақдошлари гоёсини, яъни ўзларича муқаддас динимизга айрим тузатишларни киритишга бўлган интилишларини жуда катта гуноҳ, деб баҳолаш керак. Чунки, улар Пайгамбар алайҳиссаломнинг Мадинага кўчиб борганларидан кейин нозил қилинган барча фарз-амалларга ҳозир амал қилиниши шарт эмас, деб ҳисоблашади. Бу «Акромиёллар»нинг асосий давлоларидан бири. Уларнинг фикрича, мусулмонлар Маккадан

норози ва аламзада одамлар ҳамма жойда топилади. Чойчақ эвазига ўз халқи устига мағзава ағдарадиганлар ҳам йўқ эмас. Бундан устотмонлик билан фойдаланиб қоладиган ва миш-миш ортидан қувадиган «оёғи энгли» журналистлар эса истаганча топилади. Чунки у ёзган хабар-мақола — товар, муаллиф уни имкон қадар қимматга сотиши керак. Одамлар эътиборини ўзига тортиши учун эса махсуслотни чиройли қилиб бўяб-бежаш, яъни ёлғон-яшиқча буркаш керак-да ахир.

Президентимиз республика прокуратурасида бўлиб ўтган брифингда бу хусусдаги фикрларини атрофлича баён этидилар. Булар бюртмами, шов-шув ортидан қувшим, қандай бўлишидан қатъий назар, Андижон воқеаларини ноҳолис ёритаётган журналистлар истаб ёки истамаган ҳолда диний экстремизмнинг, терроризмнинг тегириғини сув қўйишга таниш. Чунки сабабсиз оқибат бўлмайди. Ана шундай журналистлар ҳеч қаерда

## Донзарб мавзуда суҳбат

### ДЕМОКРАТИЯ:

## ИНСОН ЭРКИНЛИГИМИ ЁКИ... СИЁСИЙ ВОСИТА?

Маълумки, Андижон воқеалари юзасидан қўллаб юртдошларимиз, диний уламолар, жамоатчилик вакиллари ва олим у сийбятчилар ҳам бу фожиага, уни содир этганларга ўз муносабатини билдиришмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазири Маънависининг ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Шоазим Миноваров билан қуйидаги суҳбат ҳам ана шу мавзуга бағишланган.

Мадинага кўчиб боришдан олдин диний нукта назардан қандай жойлаштириш керак бўлган бўлса, бугун ҳам бутун дунё мусулмонлари ана шундай жойлаштириш даврида яшашга эришди. Яна қўзғиш, шариатимиз томонидан тақиқланган вақтинчалик никоҳ ҳам, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ҳам уларнинг назарида мумкин экан. Уларнинг қимлигини билиб олиш учун мана шу далилларнинг ўзиёқ ҳар бир эсли-хушли одам учун кифоя.

Иккинчидан, «Акромиёллар» одамлар орасида тарафдорлар сонини ошириб бориш, ўз таълимотини кенг ёйиш ва унинг асосида ислом давлати тузиш мақсадини илгари суришган. Бу эса кўпроқ «Ҳизб-ут-Тахрир» таълимотини эслатади — ўша халқлар, ўша бешта боқий ва ҳоқазо. Уларнинг Исломда диний фикрча, қандайдир гуруҳ тузиш, шариатимизга қўшимча ёки тузатишлар киритиш сингари интилишлари нафақат гуноҳ, балки жиноят ҳам. Чунки муқаддас Қуръон қаримда Оллоҳ юборган таълимотга, аркомга эргашинглар ва фикрларга бўлиманглар, деган мазмундаги оят бор. Ҳар бир ишда мўътадил бўлинглар, ҳатто динда ҳам, деган ҳадиси шариф ҳам бор.

— Демак, улар ўрта аср қоидалари ва ҳуқуқий метъёрларини ҳозирги даврга тадбиқ этиш мумкин, деб ҳисоблар экан-да?

— Нафақат мумкин, балки шундай бўлиши керак, деб ҳисоблашади. Бу ҳаммаёликдан бошқа нарса эмас. Бундай беҳадгарчиликлар билан бошқаларни авраб, ўз ортидан эргаштириш ҳам гуноҳ ва жиноят. Афсуски, Андижон воқеалари навбатдаги жиноят бўлди. Умиди қиламизки, у охиригиси бўлиб қолади. Негаки, бугунги кунга келиб кўпчилик бундай хатти-ҳаракатлар замиридаги интилишлар нимадигани яхши билиб олган. «Акромиёллар» назаридаги Ислом давлати куриш йўлида қўлга қурол олиш, одамларнинг қони тўкилишига сабабчи бўлиш, эл-юрт оқибатини бузишни, шубҳасиз, оқлаб бўлмайди. Бу хуружга муносиб баҳо берилмоқда ва шундай бўлиши ҳам керак. Жиноятга жазо муқаррабдир. 90-йилларнинг бошида Президентимиз ҳатто энг олажаноб гоё ҳам бирон-бир инсоннинг бурни қонашига сабаб бўлиши керак эмас, деб айтганларини яхши эсламан.

— Кўпгина хорижий ОАВ Андижон воқеаларини бирёклама, ноҳолис ёритишгани ҳақида кўп ёзилапти, кўп гапириляпти. Бундай ноҳолис ёндошувнинг асл сабаблари нимада деб ўйлайсиз?

— Диний уламоларнинг айтишларича, Пайгамбаримиз ўз замонасида миш-мишлардан қочинглар, деб айтган эканлар. Жуда кўп хорижлик журналистлар Ўзбекистонга қадам қўймай туриб ёки бирров келиб-кешиб, муаммоларни худди бу ерда бир неча йилдан бери яшаб келаётгандек ёритишади. Бунинг натижасида пайдо бўлган ана шундай бирёкламалик руҳидаги хабар-мақолаларини ўқиб, «чаққон» журналистлар кимнинг тарафини олишарти ўзи, деб ўйлаб қоласан киши.

Сир эмас: кам бўлса-да ҳамма нарсдан

бўлмаган «муस्ताқил мусулмонлар», «муस्ताқил диндорлар», «муस्ताқил имомлар» сингари ата-маларни қўллашга таниш қандай изохлаш керак? Айрим хорижий ОАВ вакиллари туркуни радикал, экстремистик йўналишдаги ноҳолис оқимлар вакиллари «этиқод жабрдий-далари» деб атаётганини-чи? ОАВ жамоатчилик фикрига таъсир қилиб, улар онгда муайян фикрнинг шакллантиришини ҳисобга оладиган бўлса, масалала бундай масъулиятсизлик билан ёндошувнинг нақадар нотўғри ва хафли эканини тасаввур қилиш қийин эмас.

Қолаверса, бу ерда кишини безовта қиладиган яна бир жиҳат ҳам йўқ эмас. Яъни Андижон воқеалари «Акромиёллар» гуруҳи қўли билан қандайдир бюртма асосида амалга оширилган бўлиши ҳам мумкин, деб ўйлайман. Воқеалар замирида бунинг белгиларини кўриш қийин эмас. Лекин, худого шукур, душманлар қўзлаган мақсад амалга ошмади, чунки давлатимиз кучли, ўзини, ўз халқини ҳамма эга олади.

— Бугун инсоният мураккаб бир замонда яшамоқда. Бизнинг давримизга келиб демократия тушуначси жуда кўп тилга олинмоқда. Дунё мўқдасида катта шов-шувларга сабаб бўлган қайси воқеа-ҳодисани олманг, уларнинг деярли барчаси «демократия байроғи» остида амалга оширилмоқда. Менинг назаримда, бугун демократия бировлар учун қуролга ёки сиёсий ва ҳатто иқтисодий таъсир ўтказиш воситасига айлиниб қолган...

— Фикрингизга қўшилиман, демократиянинг асл мазмун-моҳияти четроқда қолиб, инсон эркинлиги байроғи остида ақл бовар қилмайди диган ишлар ҳам бўлаётгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Президентимиз таникли сийбятшунос З.Безжинскийнинг демократияни импорт ҳам, экспорт ҳам қилиб бўлмайди, деган фикрини келтирганларида мутлақо ҳақдирлар. Менимча, Фарб дунёси ўзининг назаридаги «демократия»ни, уларнинг ўлчамидида турмуш тарзини бошқа жойларда ҳам тезроқ ўрнатиб, унинг «мева»ларини татигиси келади. Фарблар назаридаги демократияга бир инсон, бир фуқаро сифатида менинг ўз давлоларим борлигини айтишдан тортинмайман. Улар айрим муҳим жиҳатларини ҳисобга олишмапти: бизнинг ўз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитимиз, тарихий миллий тафаккуримиз, неча-неча асрлардан буюн авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадриятларимиз бор ахир.

Европанинг бирон-бир мамлакатда мавжуд бўлган демократиянинг меҳаник нусхасини сунъий равишда бошқа бир юрда жорий этиб бўлмайди. Алоҳида олинган бир жамиятнинг барча қадриятларини ҳам умминсоний қадриятлар, деб тан олиш мумкин эмас. Бунга истаганча мисолларни келтириш мумкин.

Бизнинг ўзимиз танилаб олган йўналишимиз, яъни дунёвий тараққиётнинг умумдемократия тамойилларига асосланган ўз йўлими бор. Бу йўлдан эса бизни ҳеч ким қайтара олмади.

Суҳбатдош: Шухрат УМИРОВ, «Жаҳон» АА.

## Мунозага, мунозага

# КҮНГИЛДАГИ ГАПЛАР

## БИРОВНИНГ УСТИДАН КУЛМАГИН ЗИНҲОР...

Хурматли таҳририят, мен Учтепа туманида истиқомат қиламан. Ёшим 25 да. Шу вақтгача газета ва журналларга ҳеч нарса ёзмаганман. Лекин бу сафар ёзишга аҳд қилдим. Чунки яқинда ҳаётимда рўй берган бир воқеа менга сира тинчлик бермай қўйди. Юрсам ҳам, турсам ҳам ҳўрлигим келиб тўлқинланаман.

Нима қилай, ҳаётда ҳамма инсонлар ҳам муқамалл яратилавермас экан. Мен ҳам шундайларданман. Бир оёғим ногирон. Ота-онам қанчадан-қанча шифокорларга мурожаат қилишди, даво топмадим. Яқинда Аэропорт-Бирлик йўналиши бўйлаб қатновчи машинага ўтирдим. Бекатта етиб келган, ҳайдовчидан машинани тўхташиб юборишни илтимос қилдим. Ҳайдовчи «Бекатта одам кўп экан», деб машинани тўхтатмади. Мен оёғим ногиронлигини айтганимда, у масхараному қўлиб:

— Ундай бўлса, кўчада нима бор, тинчгина уйда ўтирсангиз бўлмайдими? — дея пичинг қилди.

Йўловчилар олдида мулзам бўлдим. Томоғимга аччиқ бир нарса текилиб гапиролмай қолдим. Уқинчдан йиғлаб юбордим. Кейин нима бўлганини, қандай қилиб уйга етиб келганимни билмайман.

Ойижоним аҳволимни кўриб кўрқиб кетдилар, кейин мен томон югуриб келдиларда, индамай бағриларига босдилар. Онажонимнинг иссиқ қалби, озор топан дилимга таскин берди. Ахир ўша ҳайдовчи ҳам уйлангандир, оиласи, болалари бордир. Наҳот яхши ният билан фарзанд ўстираётган одам ўзгалар нури дийдасининг камчилигидан қулса, ноҳақ дилиннга озор берса? Ахир халқда: «Бировнинг устидан кулмагин зинҳор, сенинг ҳам устидан кулувчилар бор», деб беҳиз айтилмаган-ку. Мен бу сўз билан ўша ҳайдовчига ҳам асло ёмонлик тиламоқчи эмасман. Шунинг учун ҳам гап эгасини топар деган мақсадда унинг номини ҳам, машина рақамини ҳам кўрсатмадим. Лекин бир нарса мени қўйнайди. У ҳам бўлса ўша ҳайдовчининг инсонларга бўлган меҳрини йўқотганидан афсусландим.

Шарофат АЛИХҲАЕВА

## ЁШЛАРГА ЯРАШМАЙДИ

Кенжатайимиз бу йил 3-синфни битириб, тўртинчи синфга ўтди. Ўқув йили якунланиши арафасида маъмурият тақлифи билан у ўқийдиган мактабга бордим.

Ховли саранжом-саришта. Анвойи гуллар, яшиллик билан қопланган майдонлар атрофга файз бағишлаб турибди. Тоза, озода йўлақдан бораётиб бир чекада турган бир тўда 13-14 ёшли болаларга қўзим тушди. Уларнинг кўпчилигининг қўлида сигарет, бемалол тутатиб туришибди: Мени кўриб баъзилари сигаретни улоқтиришди, баъзилари эса қўлини орқасига қилиб яширишди.

Бу ҳолни кўриб кўнглимнинг бир чети хиралашди. Ахир юртимиз келажак бўлган бу ёшлар нега ҳозирданқ ўз соғлиқларига ўзлари зиён-заҳмат етказишарти? Биз ҳар кўни бонг урдиган соғлом авлод тушуначси наҳотки шу вақтгача уларнинг онига тўла етиб бормаган бўлса? Йўқ, буни улар албатта яхши тушунишади. Лекин ёшлардаги гуруҳ, ўзини катталардек ҳис этиш, бироз бўлса-да манманликка берилиш, ана шу хусусияти билан ўзининг қимлигини кўрсатиш (аслида эса бу иллат), мактанқоқлик каби одатларга берилувчанлик уларни шу қўлга солган. Вақти келиб бу ёшлар қў билан қорани тамоман ажрати олишади. Лекин унда кеч бўлади. Қашандаликка астойдил берилиб қолган бўлишади.

Чекишнинг иллоти ҳақида сўз юритар эканмиз, яна бир ҳолатга эътиборни қаратмоқчимиз. Бу ҳақ бўлса, ёш, ўсмир қизларнинг қўлидаги сигарет кўришдек ёмон ҳолат. Бугун эндигина баалоғат ёшига етиб улурган баъзи қизларнинг бу «қилиқларидан» ҳам қўз юмолмайми. Кечқурунлари кафе ёки хусусий ошона, барларга қиринг, у ерда ўз тенгқурлари билан бемалол чакчаклашиб, сигарет чекиб ўтирган қизларга кўзингиз тушади. Албатта биз бу ўрида сигаретнинг зарари ҳақида батафсил тушутириш беришдан йироқмиз. Лекин бугун сигаретга ошно бўлган, ёки қимилрағидир ҳавас қилиб бу «касал»ни ўзига оқтираётган ёш йилги-қизларга донишманднинг қуйидаги ибратли сўзларини яна бир бор эслатиб қўймоқчимиз: «Чекишга берилиш кўпинча яхши фазилатларга эшикни беркитиб, жуда кўп иллатларга уни очиб беради». Ана энди хулосани ўзингиз чиқариб олаверинг.

Эркин ТОЛИПОВ

## БИРИДА ЯХШИ, БИРИДА...

Богларимиз шаҳримиз кўрки. Катта-кичикнинг бирдек сеvimли маскани. Ёз бўйи улардан дам олувчиларнинг қадами узилмайди. Бу манзилгоҳлар мавсум давомида меҳнатқашларга намунали хизмат кўрсатиб, уларнинг маданий хордиқ чиқаришларида ас қотади. Шунинг учун ҳам шаҳримизда мавжуд бўлган 12 та сўлим масканларда апрель ойининг иккинчи яримдан бошлабқ шаҳар аҳолисини ўзига қаровчи қарнай-сурнай садолари то сентябрге ойининг охиригача давом этади.

Бугунги кунда богларимизда умумхалқ ва касб байрамлари ўтказилиши муносабати билан халқ сайиллари уюштирилиши, тантанали кечалар ва бошқа маънавий-маърифий йўналишдаги тадбирлар ташкил этилиши анъаналарга айлиниб бормоқда. Бундай кезларда чиндан ҳам богларимиз ўзига чирой очиб, ўз бағрига янада кўпроқ одамларни қорлайди, уйинқулги, куй-қўшиқ, рақслар ярим кечагача давом этади. Бу борада Фафур Гулом номли бог барчага ибрат десак янглишмаймиз. У шубҳасиз шаҳримизнинг энг гавжум гушларидан бири ҳисобланади. Бу ердан йилнинг тўрт фаслида ҳам одамлар қадами узилмайди. Бунинг сабаби ушбу маскан маъмурияти ҳар йили мавсумга пухта тайёргарлик кўриш билан бирга, дам олувчиларнинг ўзига ром этадиган турли тadbирларга кенг ўрин беради.

Лекин беш қўл баравар бўлмаганидек, ҳамма боглар хизматидан ҳам дам олувчилар бирдек мамнун ёки барча боглар одамлар билан гавжум дея олмаймиз. Масалан, Мирзо Улугбек туманидаги «Зафар Дибёр» боғини олайлик. У ёши ва майдончи жиҳатдан йирик боглар қаторига қиради. 1961 йилда ташкил топган бу сайилгоҳ тумандаги аҳолиси зич бўлган, атрофи кўп қаватли ва хусусий хонадонлар билан қамраб олинган манзилда жойлашган. Бир томонда маданият институти, яна бир томонда эса академ шаҳарча бор. Транспорт масаласида ҳам муаммо йўқ. Лекин шунга қарамай, бу ерда дам олувчилар сони йилдан йилга қамайиб бормоқда. Бунинг сабабини нимадан изламоқ керак? Балки бу саволимизга бог маъмуриятининг ўзи аниқ жавоб берад, деган мақсадда ушбу мақола-мизга нукта қўя қоладик.

Карим ОДИЛОВ



Тинчлигимиз посбонлари — маҳалла-ларда фаолият олиб бораётган профилактика нозирларнинг сай-ҳаракатлари билан худудларимиз осойишта, болажонларимизнинг вақти унумли, спортга ошно, турли ноқонуний йўллардан йироқ.

**СУРАТЛАРДА:** Ҳамза туманидаги 269-милиция таянч пункти профилактика нозирлари, катта лейтенант Аваз Иброҳимов тушунтириш ишларини олиб бормоқда; Шайхонтоҳур туманидаги Олим Хўжаев маҳалласи фаоллари билан туман ИИБ ХООБ профилактика нозирлари, капитан Тўйчибой Эшнӣёзов, Шохимардон Боймуродов, Шопўлат Очиловлар суҳбатлашишмоқда.

Ҳақрамонимиз милиционерлар сулоласига асос солган фахрийлардан. У кишининг рафикачиларнинг барчаси бугун ўз кадр-қимматлари, жамиятда ўз ўринларига эга эканликларини ҳис этиб яшашмоқдалар, чунки уларни ҳар бир байрам, унутил-юримтоқда, — дейди биз билан суҳбатда Мухаммадумар ҳожи Парпиев. — Ушбу нафақа олувчиларнинг барчаси бугун ўз кадр-қимматлари, жамиятда ўз ўринларига эга эканликларини ҳис этиб яшашмоқдалар, чунки уларни ҳар бир байрам, унутил-

*Ҳўрак оисак арзийди*

# ИБРАТ ИЗЛАГАНГА ИБРАТДИР ДУНЁ

Эл осойишталиги йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилган, умрининг 36 йилини ички ишлар идораларидаги захматли хизматга бағишлаган Мухаммадумар ака Парпиев 1997 йилда нафақага чиққач энди набиралар даврасида, фарзандлар иззатида ўтираман дея ҳаёл қилган эди.

Лекин бугун умр эл-юрт хизматида бўлган тиниб-тинчимас, оддий сардорликдан милиция майори даражасига эришган меҳнатқаш инсоннинг оёқ узатиб уйда ўтиришни тасаввур қилиш қийин эди. Дарҳақиқат, вақт ўтгани сари Мухаммадумар ака оиласи бағрида ҳам қандайдир кемтикликни ҳис қила бошлади. Оиланг тинч, вақтинг сермазун, бахтинг бутун лекин нимадир етишмасди. Эҳ, унга — ишдаги ҳамкасблари, касбининг югур-югурлари, беҳаловатлиги етишмадики, чунки у шунга ўрганган, эл ишончи, дарди, хурсандчилигига шерик бўлиш, жиноятларнинг олдини олиш, нотинч оилаларда аҳиллик ўрнатиш каби қатор юмушлар унга ҳаловат, ишдан қониқиш бағишлаган.

У сафдошлари билан суҳбатлашар экан, ўзини қийнаб келётган саволларга жавоб топгандек бўлди. Яъни, ўзи меҳнат қилган Ҳамза тумани Ички ишлар бошқармаси ошхонада ташкил этилган нафақа олувчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш кенгашига бошчилик қилиши, унинг қизғин фаолият юритишига ҳисса қўйиши керак.

Худди шундай бўлди. Нафақадаги майор ўз фаолиятини аввало кенгаш аъзоларини танлаш ҳамда иш режасини тузишдан бошлади.

— Бугунги кунда кенгашимиз Ҳамза тумани ИИБда хизмат қилган 78 нафар нафақа олувчилар ҳамда шу туман ҳудудида истиқомат қилувчи нафақа олувчилар билан яқин алоқада фаолият

юримтоқда, — дейди биз билан суҳбатда Мухаммадумар ҳожи Парпиев. — Ушбу нафақа олувчиларнинг барчаси бугун ўз кадр-қимматлари, жамиятда ўз ўринларига эга эканликларини ҳис этиб яшашмоқдалар, чунки уларни ҳар бир байрам, унутил-юримтоқда, — дейди биз билан суҳбатда Мухаммадумар ҳожи Парпиев. — Ушбу нафақа олувчиларнинг барчаси бугун ўз кадр-қимматлари, жамиятда ўз ўринларига эга эканликларини ҳис этиб яшашмоқдалар, чунки уларни ҳар бир байрам, унутил-

мас кунларда совға-саломлар билан йўқлаб тураемиз. Айтиб ўтиш лозимки, фаолиятимиз фақат шу билан чегараланиб қолган эмас, кўпгина собиқ ички ишлар идоралари ходимлари туман маҳаллаларида фуқаролар йўғинига бошчилик қилмоқдалар. Улар фаолият кўрсатаётган маҳаллаларда ижтимоий, маданий, маърифий, ҳуқуқий ҳаёт намунали йўлга қўйилган. Бу ўринда Маҳмадҷон Толипов, Тўхтамурадов Ибрагимов, Ортиқ Абдувалиев, Фатхулла Раҳимов ва бошқаларнинг номларини алоҳида таъкидлаб ўтсак ярашарди.

Ҳа, Мухаммадумар Парпиев бошчилик қилиб келётган Ҳамза тумани Фахрийларни қўллаб-қувватлаш кенгашида олиб бораётган ибратли ишларни шайхонтоҳур тумани ИИБдаги маҳалла фаолиятга эса Ҳамза тумани ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Эргаш Эрқаев ва унинг ўринбосарлари ҳар томонлама ёрдам бериб келмоқдалар.

**Феруза ХУДОЙҚУЛОВА**  
**СУРАТДА:** Мухаммадумар Парпиев (ўнгдан биринчи) фахрийлар даврасида.

Кахрамонимиз милиционерлар сулоласига асос солган фахрийлардан. У кишининг рафикачиларнинг барчаси бугун ўз кадр-қимматлари, жамиятда ўз ўринларига эга эканликларини ҳис этиб яшашмоқдалар, чунки уларни ҳар бир байрам, унутил-юримтоқда, — дейди биз билан суҳбатда Мухаммадумар ҳожи Парпиев. — Ушбу нафақа олувчиларнинг барчаси бугун ўз кадр-қимматлари, жамиятда ўз ўринларига эга эканликларини ҳис этиб яшашмоқдалар, чунки уларни ҳар бир байрам, унутил-

дан ўзи яшаётган уй ёнидаги ташландик ерда мўъжазгина бог яратган.Шинам ва ораста, гулу чечаклар қулф урган ушбу сўлим маскан бугун маҳалладошларнинг энг севимли масканлари. Байрам айёмлари, тўй-ҳашамлар шу ерда ўтказилади. Меҳнатининг маҳсулидан маҳалладошлар ижтимоий, маданий, маърифий, ҳуқуқий ҳаёт намунали йўлга қўйилган. Бу ўринда Маҳмадҷон Толипов, Тўхтамурадов Ибрагимов, Ортиқ Абдувалиев, Фатхулла Раҳимов ва бошқаларнинг номларини алоҳида таъкидлаб ўтсак ярашарди.

Ҳа, Мухаммадумар Парпиев бошчилик қилиб келётган Ҳамза тумани Фахрийларни қўллаб-қувватлаш кенгашида олиб бораётган ибратли ишларни шайхонтоҳур тумани ИИБдаги маҳалла фаолиятга эса Ҳамза тумани ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Эргаш Эрқаев ва унинг ўринбосарлари ҳар томонлама ёрдам бериб келмоқдалар.

*Муносабат*

## ТИНЧЛИК УЧУН МАСЪУЛМИЗ

Яқинда Андижонда содир этилган хунрезликлар бутун Ўзбекистон халқини ларзага солди. Бирча ҳарбий қисмларда бу мудҳиш воқеага муносабат билдирилмоқда.

Бўлиб ўтган фожиа иймон-этикоди мустаҳкам, ватанпарвар ҳарбийларимизни, ҳар биримизни ҳўёр, зийг-қ бўлишга чақирди.

Экстремистик гуруҳлар қаторига асосан ёшлар ҳарбий қолганлиги, албатта, юракка оғриқ беради. Ҳаламислар содда, ишонувчан йигитларимизнинг онгини захарлаб, ўз мақсадлари йўлида фойдаланишмоқда. Ёшларнинг панасида туриб иш битирмоқчи бўлаётганликлари эса бу хунрезликлар бошида турган кимсаларнинг нақадар пасткаш, тубанликларини англатиб турибди.

Тинчлигимизни кўролмаётган, ўз манфати йўлида ҳеч қандай қабиҳликдан қайтмайдиган террорчи-экстремистларнинг муқаддас ислом динидан бир никоб сифатида фойдаланаётганлиги асло кечирилмасдир.

Беғуноҳ одамлар умрига зомин бўлган, мақсади асоссиз ва бетайин кимсалар қил-

мишларига яраша жазо топади. Адолатли қонунларимиз жиноят жазосиз қолмаслигини яна бир бор намоийиш этиши, шубҳасиз.

Ватанимиз осойишталигини асрашга бугун ҳар биримиз масъулмиз. Огоҳ ва ҳўёр бўлиш, биз, ҳарбийларнинг зиммасидаги муқаддас бурч. Тинчлик — энг олий неъмат эканлигини бир лаҳза ҳам унутмасдан, Ватанимизни кўз қорачиғидек асрашга ҳамиша шай бўлишимиз лозим.

Озод ва обод юртимизнинг иродаси мустаҳкам, жасур ва мард ўғлонлари бор экан, ганимларнинг пуч аёллари ҳеч қачон амалга ошмайди. Сарҳадларимиз тинчлиги, осудалиги ишончи қўлларда. Иймони бутун халқнинг келажаги албатта нурафшон бўлади.

**Алибек ЧЕГЕБОВЕВ,**  
**Тошкент ҳарбий округ**  
**ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси,**  
**адлия подполковниги**

# Инсон ва қонун

*Мунозага*

## “ҚИЗИЛ ЧИРОҚ” КИМ УЧУН ОЧИҚ?

Бугунги кунда барча соҳаларда ўсиш, янгиланиш, олдинга қараб интилишни кузатиш мумкин. Айниқса техника асри дея эътироф этилаётган бу даврда йўлларимизни тўлдириб ўтаётган энг сўнгги русумдаги автомобиллар, ўзимизнинг «Нексия», «Дамас», «Тико»лар эл узогини яқин қилиб, юрагимизни фаҳру ифтихорга тўлдиришмоқда. Буларнинг барчаси албатта яхши. Лекин бугун мен бир мулоҳазани ўртага ташламоқчиманки, бу албатта кўпчилиكنинг дилидаги гап бўлса ажаб эмас.

«қизил чироқ»и ёниб тургани учун барча машиналар тўхтаб турган эди. Орада «Нексия» русумли «ДАН» ходими бошқариб келаятган машина эса тезликни камайтирмай, «қизил чироқ»ка эътибор ҳам бермай ўтиб кетди. Ҳеч қанча вақт ўтмай «06» — «Жигули» автомашинаси (уни милиция ходими бошқараётган эди) ҳам «қизил чироқ»ни писканд қилмай йўлида давом этди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Нима демоқчиман, тартиб посбонлари — ҳаётимиз ҳафсизлигини таъминлашда хизмат кўрсатиб келаятган инсонлар, бу йўлда туну кун постда турувчи захматқаш, фидойий касб эгалари. Лекин бу дегани, ҳар қандай қонун-қоидадан ДАН ходими ёки милиция вакили четлаб ўтиши мумкин дегани эмаску? Тўғрими? Агарки, ходим ўз вазифасини суистеъмол қилса жазоланар экан, нега биз ҳам вақтида улар-

ни огоҳлантирмаймиз. Жиноятчини қувиб кетаётган (унда махсус сиренани ёкиб қўйишлари лозим) ёки бирон фақуллода ходисалар албатта булардан мустансо.

Давлатимиз томонидан қабул қилинаётган қонун-қоида шу юрт фуқароси бўлган ҳар биримиз учун (у ким, қайси касбда бўлишидан қатъи назар) тегишли бўлиши, унга амал қилишга бурчи бўлишимиз лозим. Ўзимиз айтган гапга ўзимиз амал қилмасак юрт фаровонлиги, тинчлиги, ҳафсизлиги йўлидаги ишларимизнинг кучи қаерда қолади?

Менимча, ҳаётимиз осудалиги посбонлари йўл-ҳаракати қоидабузарларига ибрат кўрсатишлари зарур. Шундангина ҳаётимиз фаровон, оиламиз тинч, йўлларимиз эса беҳатар бўлади.

**НИГОРА АКБАРОВА,**  
**Ўзбекистон Давлат**  
**яхон тиллари**  
**университети**  
**халқаро журналистика**  
**факультети талабаси**

*“02”*

## ДИҚҚАТ, ҚИДИРУВ!

Турли оммавий ахборот воситаларида «Диққат, қидирув!» рукни остида чоп этилаётган хабарларга кўзингиз тушиб қолади. Бу хабарлар албатта маълум бир жиноятни содир этиб қидирувда бўлган шахслар ёки номаълум сабабларга бедарак кетган фуқаролар тўғрисида бўлади. Биз ушбу мақола орқали агар сизни ҳаётингизда шундай ҳол рўй берса (ҳеч қачон ундай бўлмасин) қандай ҳаракатларни амалга оширишингиз лозимлиги тўғрисида маълумот бермоқчимиз.

ни тезроқ бериш мақсади. Мувофиқ. Агар киши оиладаги айрим келишмовчиликлардан сўнг уйдан чиқиб кетиб келмаса, даставвал унинг бориши мумкин бўлган таниш-билишларниқидан қидириб кўриш лозим.

Ички ишлар идораларига бериладиган аризага йўқолган шахс тўғрисида, яъни унинг айрим белгилари, уйдан чиқиб кетганида қандай кийимда бўлганлиги тўғрисида маълумот, шунингдек охириги, сурати тақдим этилади.

Бедарак йўқолган шахсини қидириш Жиноят қидирув ва терроризмга қарши Кураш Бошқармасининг тегишли бўлим ходимлари томонидан амалга оширилади. Бедарак йўқолган шахсини тезроқ қидириб топиш учун ички ишлар идораларининг барча тизим хо-

димлари, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари жалб қилинади. Агар балоғат ёшига етмаган шахс йўқолса, бу ҳақда тезда билан барча худудлардаги балоғат ёшига етмаганларга ижтимоий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига, шахсий ёки давлат автомабили ҳайдовчиси қидирилатган бўлса у ҳолда зудлик билан барча йўл ҳаракати назорати Бошқармаси ходимларига хабар берилади. Шунга таъкидлаб ўтиш керакки ИИББ навбатчилик қисмида бахтсиз ходисалар бюроси мавжуд бўлиб, бу ерда шахар ҳудудида содир бўлган ноҳуш ҳолатлар ва бу ҳақда таниш-билишларига хабар бера олмайдиган фуқаролар бўйича маълумотлар тўпналиб борилади. Шунингдек, шахси аниқланмаган мурдалар ҳақидаги маълумотлар

рўйхатга қўйилади.

Кўп ҳолларда ёши катта руҳий касал бўлган фуқаролар кўпроқ йўқолишади. Бундай фуқароларни қидириб топишини қийин томони улар шахар ёки вилоят автобусларида «узоқ жойларга кетиб қолишлари мумкин, одатда улардан йўл ҳақи маълум сабабларга кўра сўралмайди.

Балоғат ёшига етмаган шахслар таҳлиллар бўйича бедарак йўқоладиганларнинг тўртдан бир қисмини ташкил этади. Кўп ҳолларда улар ота-оналари билан айрим муаммоларни ҳал қила олмаганларидан сўнг бедарак кетишади. Айрим ноҳослом оилаларда эса фарзандлар ва турмуш уртоқлари йўқолиши кўпроқ учрайди.

Бедарак йўқолганларни қидиришининг бош-



— «Маҳалланг — ота-онанг». Мана шу ибратли нақлнинг мазмун-моҳиятини ҳар бир фуқарога, айниқса ёшларга тушунтириш бизнинг вазифамиз, — дейди Сергели туманидаги Бобур маҳалласи 228-милиция таянч пункти инспектори, капитан Аваз Жўраев маҳалла фаоллари билан суҳбатда.

*Маҳалла нарға*

## ЭЛ ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА

— Тинчлик-осудалик ҳукмрон бўлган жойда хизмат қилишининг ўзига яраша гашти бор, — дейди Собир Раҳимов туманидаги «Эски шаҳар» маҳалласида жойлашган 190-милиция таянч пункти профилактика нозирлари, капитан Дилшод Мирзамамедов. — Бунда сенинг ҳам муносиб ҳиссанг борлигини сезиши эса кишида фаҳр туйғусини уйғотади.

Дарҳақиқат, она-юртимизда, ҳусусан маҳаллалардаги тинчлик-товуликка, жиноятларнинг олдини олиш, турли ноқонуний ишларга йўл қўймаслик, вояга етмаганлар билан доимий мулоқот олиб бориш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ички ишлар ходими, профилактика нозирларининг муносиб ҳиссалари бор. Бугун биз қаламга олмоқчи бўлаётган тинчлик посбони ҳам ҳамкасблари қатори аҳоли тинч-товулиги, эл осойишталигига муносиб ҳисса қўшиб келаятган Дилшод Мирзамамедовдир. 5600 нафар аҳоли ҳисса иштирокида қиладиган ушбу маҳалла пойтахтининг энг гавжум жойи, шундоқгина «Чорсу» базори ёнида жойлашган. Келиб кетувчилар ҳам, транспорт ҳам жуда серкаторов. Сезгир, зийрак бўлмасангиз ким нима билан шуғулланганини сезмай ҳам қоласиз.

— Жуда қийин эмас, — дейди кулиб Дилшод. — Аниқ режа асосида, аҳоли билан ҳамжиҳат ишласангиз, ишингизнинг машаққати ҳам унчалик сезилмайди. Маҳалла аҳолиси ва вояга етмаган ёшлар билан мунтазам тушунириш ишларини олиб бораемиз. Худудимиздаги 1-ўрта мактаб билан яқин ҳамкорликда турли тадбирлар ўтказиб, ёшларнинг бўш вақтини унумли ўтказиши, спорт билан шуғулланишига шарт-шаро-

ит яратиб беришга ҳаракат қилиб келяпмиз. Бугунги кунда мактабда қатор тўғараклар билан бир қаторда спортнинг кураш, бокс каби турлари бўйича машғулотлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Булардан ташқари маҳалла оқсоқоли Муҳаммад ака Зафариддинов, посбонлар билан биргаликда худуддаги ҳар бир фуқаронинг келиб-кетиши, нима иш билан шуғулланаётгани, паспорт тизими, Амнистия билан озодлиқка чиққанларнинг ҳаётда ўзларини тутиб олишлари, ноқобил оилалар, спиртли ичимликлар ичиб олиб тўпалон кўтарувчи фуқаролар билан мунтазам иш олиб бораемиз. Утган йилга нисбатан жиноятларнинг кескин камайганини ишмишнинг, кеча-кундуз чекаётган меҳнатимизнинг маҳсули деб биламан. Пировардига айтмоқчиманки, касбимизнинг мақсад-моҳияти эл осойишталиги, тинчлиги-товулигини таъминлашга қаратилган. Жиноятларнинг олдини олиш, вояга етмаган ёшларни хайрли ишларга бошлаш, уларнинг ақлан баркамол, жишонан соғлом бўлиб вояга етишларига ҳисса қўшиб бериш ишларини олиб бораемиз.

Биз ҳам эл-осойишталиги посбонларининг хайрли ва захматли ишларига ривож ва сабр-бардош тилаб қоламиз.

**Адибаком СОДИҚОВА**

*“050”:*  
**Қўнжарқув**  
**хизмати**

Азиз замондош! Содир этилиши мумкин бўлган фалокатларнинг олдини оламан, ўзимнинг ва яқинларимнинг, атрофдаги инсонларнинг ҳаётини, соғлигини турли хавфлардан сақлаб қоламан десангиз, куйидаги ҳолатлардан огоҳ бўлинг:

- шубҳали бўлган газлар ёки бошқа номаълум хидларни сезиб қолсангиз;
- бошланган ёнғин аломатларини билиб қолсангиз;
- транспорт воситалари шикастланганда, ичида, ташқарида одамлар ёрдамга муҳтож бўлса;
- ёпиқ эшик ортида ёрдамга муҳтож ёш болалар, маддасиз бемор, ногирон одамлар, ёпиқ газ, очиқ олов, электр ускуналари уланганча қолиб ёнғин содир этилиши хавфи бўлса;
- хонадондан, лифтдан ва бошқа жойлардан ўзгалар ёрдамсиз чиколмай қолсангиз;
- аҳоли яшайдиган уйлар, ишлаётган идоралар ичида ва атрофида юрган йўлингизда, савдо жойларида бозорларда, метро, трамвай, бошқа транспорт воситаларида, тўхташ масканларида эгасиз, шубҳали жамадон, пакет, қути ёки бошқа тўқилган, сочилган нарсани кўрсангиз;
- почта орқали номаълум хат, бандерол каби буюмлар келса;
- ер остидан катта босимдаги газ, суюқлик, сувлар отилиб оқаётганини ёки очикдаги қувурларни тешишганини кўрсангиз, хонадонингизни сув босса;
- дарактлар, устунлар қулаши ёки авария туйфайли электр симлари ерда узилиб ётса;
- яқин одамларингиз, фарзандларингиз, қимматбаҳо буюмларингиз, хужжатларингиз сув ҳавзаларига чўккан бўлса ва бошқа ходисаларга дуч келсангиз.

Зудлик билан кутқарув хизматига хабар бериб, ёки кеча-кундуз бепул ишлайдиган «050» телефонида мурожаат этсангиз, тезда ёрдамга етиб бораемиз.

**Тошкент шаҳар фақуллода вазиятлар Бошқармаси**

ланғич пайтида барча турдаги йўқолганлар учун деярли бир хилда ҳаракат, яъни улар яшайдиган худудларни ўрганиш, таниш-билишларини суриштириш, йўқолганлар тўғрисида маълумотлар тўплашдан иборат бўлади.

Фуқароларнинг бедарак йўқолиши албатта кўнгилсизликлар келтириб чиқаради. Бундай ҳолларнинг олдини олиш учун озгина эътиборлироқ бўлиш лозим. Яъни яқинларингиз ҳаракатларини кузатиб бориш, улар ҳаракатларида айрим ўзгаришлар сезилса шифокорларга мурожаат этишдан уялмаслик, хотирасини йўқотиб қўйиш (склероз) касаллиги мавжуд бўлганларнинг кийимларига улар тўғрисидаги маълумотларни тикиб қўйиш фойдадан холи бўлмайди.

Шунингдек, жамоат жойларида, бозорлар, шахар транспортлари ва кўча, хиёбонларда турар жойи ва манзили тўғрисида сўраб юрган қарияни ҳамда болалар уйларига қандай боришни билмай юрган болаларни кўрсангиз ҳар бир маҳалла ҳудудида фаолият кўрсатаётган милиция таянч пунктларига хабар бериб.

**Дилбар ЁДГОРОВА,**  
**ИИББ матбуот**  
**маркази жамоатчи муҳбири.**

## Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиш  
Домо бўлир...

● ХИКОЯТ. Бир киши ўз ўғлини ҳаёт учун зарур бўлган баъзи фанларни ўрганиш учун бир муаллимга топширди. Байт:

Дунёнинг қарори  
илм биландир,  
Илмсиз кишига  
йўқдир эътибор.

Бир куни муаллим онасига шикоят қилиб: «Унглим илм ўрганишга унамайбди, вақтини ўйин-куди билан зое ўтказмоқда» — деди. Байт:

Ҳар инсон илмдан  
тополса баҳра,  
Иши ўқиш ила  
саволу жавоб!

Онаси муаллимдан: «Билолмадингми, унинг табиати қайси касбга мойил, ҳаракати қайси ишга қобил?» деб сўради. Муаллим: «У касб ўрганишдан ўтиб, қобилиятдан маҳрум бўлган. Билишми, унинг хотири маҳбуб учун ниғорон, дили эса машуқ юзига ҳайронга ўхшайди:

Ўзи меҳнатга ожизу  
боши савдога лик тўла,  
Бугун эртанинг

фикри ҳақида  
ўйламас асло!

Агар мен илму иймондан савол қилсам у васлу хижрондан гапирди, агар мен ахлолу ҳаромдан ҳикоя қилсам у зулфи ила холдан сгиз очади». Онаси деди: «Ишқ кўчасидан юришнинг оқибати саломатлик бўлмаса ҳам, аммо бу йўлдан юриш маломат ҳам эмас! Ишқ изтиробли бўлса ҳам, аммо ошқк бўлиш ихтиёрли эмасдир! Байт:

Домга тушган ночор  
қушнинг ҳолини,  
Озод юрган бургут  
билмас ҳеч қачон.  
Қафасдаги булбул  
нолишин эса,  
Ёр-ла юрган каптар  
сезмас бегумон.

Уни озод қил! Ишқда шундай ҳосият борки, у кишини латофатли, назокатли ва ҳушёр қилади! Байт:

Хар кимсангиз боғи  
ила бўстонлари  
бўлса ҳам,  
Хушнуд эмасдир  
харгиз унда ёри бўлмаса.  
Кўнгил бермоқ  
бировага, ҳаётнинг  
ўзи шулдир,  
Жонсиз сувратдир  
кимнинг гулузори  
бўлмаса.

● Инсоннинг дўсти ва раҳбари — унинг фаҳми ва идрокдир.  
● Отадан фарзанда энг хайрли мерос — одоб, гўзал ахлоқдир.  
● Мол-дунёнинг энг хайрлиси — ҳалол меҳнат билан йиғилиб, эзгу ишларга сарф қилинганидир.  
● Сукрот ҳақим айтади:

— Хижматнинг боши эзгу хулқдир. Кимки хушхулқ бўлса унинг тириклиги хушлик билан ўтади. Одамларнинг кўнгилларига унинг муҳаббати ўрнашади. Хар ким ёвуз хулқли бўлса мана шундай тор бўлади, душмани кўпаяди. Ҳамма ундан нафрат қилади.  
● Машҳур донишманд Бузург-мехрдан:

— Инсоф нима?—деб сўрадилар.  
— Инсоф одамнинг ўзига нима раво кўрса бошқа кишига ҳам шундай раво кўришидир, — деб жавоб берди Бузургмехр.

— Энг яхши одам ким?  
— Ақлли одам.  
— Қандай кишини ақлли одам деса бўлади?  
— Ақлли одам ўйламасдан бирор ишга киришмайди.

Байт:  
Кимки хушхулқ  
доимо бўлғай омон,  
Яхшилик қилса,  
сира этмас зиён.



Мағбирлар

## ХАЙР, БОҒЧА, САЛОМ, МАКТАБ!

Республикамиз мустақилликка эришган кунлардан бошлабоқ ёш авлод тарбиясини замон талаблари даражасига кўтариш, уларнинг ҳуқуқий билим савиясини оширишга катта эътибор қаратилган. Барчамизга маълумки, бола тарбияси Ҳадису шарифларда эътироф этилганидек, бешикдан бошланади. Оила муҳти авваломбор унинг камол топишида пойдевор бўлиб хизмат қилса, боғча ва мактаб оstonаси таълим-тарбияни шакллантиришда бош омил бўлиши шубҳасиз.

Айни кунларда мактабгача таълим мусассаларида болажонларни мактаб кучоғига кузатиш тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Кичкинтойлар боғча опалари берган таълим-тарбияни ота-оналар, тарбиячи-устозлар ва фахрли меҳмонлар олдида, чиройли байрам тадбирлари орқали кўрсатиб жонажон масканлари билан хайрлашмоқдалар. Ана шундай тадбирлардан бири Шайхонтоҳур туманидаги "Бўстон" маҳалласида жойлашган 342-боғчада ҳам бўлиб ўтди. Ушбу жажжилар масканида 150 нафар

кичкинтой тажрибали педагог Дилдора Саидбекова раҳбарлигида меҳнатсевар, соғлом, ватанпарвар бўлиб вояга етмоқдалар.

Уларнинг жисмонан соғлом, таълим-тарбияли бўлиб вояга етишлари учун 12 нафар тарбиячи мураббийлар, Муаттар Раҳимова каби ширин сўз шиқорор, Маҳмуда Асқархўжаева сингари болажон ҳамширалар фаолият олиб бормоқдалар.

"Хайр, боғча", "Ассалом, мактаб" деб номланган бадий-мусликали ушбу кечада мактабга катта тантана билан кузати-



лаётган иккита катта гуруҳнинг 32 нафар кичкинтойи, ота-оналар, устоз-мураббийлар, "Бўстон" маҳалласи фаоллари ва туман халқ таълими бўлими вакиллари иштирок этишди. Ранг-баранг томошалар, чиройли сахна кўринишлари, савол-жавоб, топилмоқ ва шеърларни бийрон-бийрон айтган болажонлар боғча опалари берган тарбия, одоб-ахлоқ, алифбодан олган илк сабоқларини қандай ўзлаштирганларини намойиш этдилар.

— Азиз болажонлар, мана сизни илм даргоҳининг илк пиллапоёсига кузатмоқдамиз, — дейди тадбирда сўз олган боғча мудираси Дилдора Саидбекова. — Ишонимизки сиз меҳрибон тарбиячи опаларингиз берган ўғитларни асло ёдингиздан чиқармайсиз. Мустақил юртимизнинг муносиб фарзандлари бўлиб вояга етасиз.

Бутун тадбир давомида бири-бирдан мароқли бўлган спорт мусобақалари, кизикarli танловлар ўтказилиб қолибларга эсдалик савгалари топширилди. Куй-қўшиққа уланган давра узоқ вақт болажонлар ёдида қолишига шубҳа йўқ.

Шоира МУҲАМЕДОВА  
СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.

— Ҳозирда замонавий телевидение, радио, нашриёт манбалари ҳақида фикр-мулоҳазалар битилган ўкув қўлланмаларни чоп этиш борасида кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, яқинда журналист Амрилло Каримнинг «Тв, ижодкор ва замон» деб номланган бўлажак тележурналистлар учун мўлжалланган китоби нашр этилди.

### Мамбаа

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА ЗАМОН

Эътиборли томони шундаки, китобда Ўзбекистон телевидениесининг кўплаб мохир тележурналистлари билан бўлган интервьюлари берилган. Замонавий тележурналистиканинг қирраларини намойиш этишда ушбу китоб муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бошловчиларнинг ўзига хос услублари, касбига муносабати, иш фаолияти, оиласи ҳақида ҳам тўлиқ маълумотлар берилган. Жумладан, китобда телевидениенинг «Ёшлар» телеканали орқали бериб бориладиган «Ракурс» кўрсатуви муаллифи ва бошловчиси Ойбек Вейсал ўғли, «Маслаҳат» кўрсатувининг ижодкори ва бошловчиси Абдумалик Шерматов, «Азизим», «Аскар мактублари», «Олтин калит» кўрсатувлари режис-

сёри Равшан Раҳимов ва кўплаб бошқа журналистларимиз билан суҳбатлари ўрин олган.

«Тв, ижодкор ва замон» китоби «Наврўз» нашриёти томонидан нашр этилган бўлиб, унда замонавий телевидение ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган. С.Умиров муҳаррирлиги остида нашрга тайёрланган ушбу китобдан телевидение ҳам бошқа оммавий ахборот воситалари сингари масъулиятли соҳа эканлигини, миллионлаб томошабинлар диққат назарида туришини, бошловчи ва ижодкорларнинг тинимсиз меҳнати ва ўз устида ишлаши орқали телекўрсатувлар тайёрланишини билиб оламиз.

Юлдуз УСМОН

### Санъат

## ҲУРМАТ-ЭҲТИРОМ РАМЗИ

Атоқли мусаввир, Ўзбекистон Халқ рассоми Чингиз Аҳмаров ўзидан бебаҳо ижодий мерос қолдирди. Санъаткор Тошкентда Афросиёб кўчасидаги уйда яшаб, самарали ижод қилди.

Расом вафотининг ўн йилгига муносабати билан ана шу бинога унинг хотирасига бағишланган ёдгорлик лавҳа-барельефи ўрнатилди.

Мазкур тадбир доирасида хотира кечаси ўтказилди. Ўзбекистон Бадиий академияси сазо-ҳаракати билан уюштирилган бу кечада мусаввирнинг ҳамкасблари, шогирдлари сўзга чиқиб, сермахсул ижоди ҳақида тўлқинланиб гапирдилар.

## «ҚАШҚАР» МАҲАЛЛАСИ ҲАҚИДА СПЕКТАКЛЬ

Тошкентда юз берган 1966 йилги кучли zilзила турфайи кўпбала бинолар вайрон бўлган эди. Ер ости силкенишининг маркази ҳисобланган «Қашқар» маҳалласидан ном-нишон ҳам қолмади.

Поитахтимизни қайта бунёд этиш жараёнида бу маҳалла худудига қатор замонавий маъмурий идоралар, турар-жой бинолари қад қўтарди.

Келгуси йили Тошкент zilзиласи юз берганига 40 йил бўлади. Шу сана олтидан сахна асари яратилди. «Қашқар» маҳалла, «Қашқар» маҳалла» деб номланган мазкур сценарий буйича постановка қилинаётган янги спектакль яқин орада томошабинлар эътиборига ҳавола этилади.

Поитахтимиздаги «Аладдин» театри актёрлари томонидан сахнага олиб чиқилётган постановка томошабинларни Тошкентнинг яқин ўтмиши ва бугунги кунини воқеалари билан ошно қилади.

Ақбар АЛИЕВ

### Мубоим

## ИНСТИТУТДА ЯНГИ МАРКАЗ

Буюк демократик давлат қуриш йўлидан дадил қадамлар билан одимлаётган жамиятимизда соғлом турмуш тарзини янада шакллантириш, аҳоли сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, оммавий жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишнинг кенг ёйилишига катта эътибор берилаётганлиги маълум. Юртбошимизнинг 2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилинган фармойиши ҳам яна бир қарра ўз ифодасини топди.

«Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурининг 1-бўлим 2-бандида белгилаб берилган вазифани ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг, 2005 йил 4 апрелдаги 73-сонли буйруғи асосида Тошкент Давлат авиация институти илмий кенгашининг 2005 йил 27 апрелдаги қарори асосида институтда Ибн Сино саломатлик маркази ташкил қилинди.

Яқинда Республика Ибн Сино халқаро жамғармасининг раиси Ш.Эргашев ҳамда унинг ижрочи директори М.Мўминовлар иштирокида институт профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшлари билан давра суҳбати ўтказилди.

Унда соғлом турмуш тарзининг долзарб масалалари буйича профессор ўқитувчилар ва талаба-ёшларнинг фаол иштироки билан марказда турли тадбирларни ташкил қилиш буйича режа дастурига аниқлик киритилди.

Марказнинг асосий вазифалари-талаба ёшларини соғлом турмуш тарзи қондалари билан таништириш, зарарли одатлардан воз кечиш, соғлом бўлишга, яъни ҳам маънавий, ҳам жисмонан уйғун камол топишга йўналтирилган кўникама ва малакаларни шакллантириш, бўлажак она ва ота бўлиш тушунчаларини уларнинг онгига сингдириш, гигиена соҳасидаги билимларни ошириш, гиёвандлик, юқумли касалликлар, СПИДнинг тарқалишига қарши кураш буйича учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этиш, чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экология меъёриларига риоя қилиш ва мазкур соҳа мутахассислари билан учрашувлар ташкил этишдан иборатдир.

Кечада ушбу марказнинг профессор-ўқитувчилари ва тажрибали мутахассисларидан иборат бўлган кенгаш аъзолари тайинланиб, уларнинг иш режалари нималардан иборат эканлиги белгилаб олинди.

Ю.ТОХТАЕВА,  
Тошкент Давлат авиация институти  
Хотин-қизлар кенгаши раиси

Ранг-баранг олам

УЙЛАНИШ — БУ ЖИДДИЙ МАСАЛА

Собиқ каскадёр, эндиликда эса руҳоний Гленн Скотти Вульф умр йўлдошини танлаш гоят жиддий ва масъулиятли иш деб ҳисоблайди. Балки шунинг учун ҳам унинг ўзи 26-март уйланаётгандир.

Балки бу сафар ҳақиқатан ҳам унинг омади келиб оилавий тоғувлик, осойишталикка эришар? Бироқ олдинги хотинларидан тутилган 40 нафар фарзандини қандай қилиб боқиши хусусида Вульф лом-ним демади...

ЧОЛ ЖАСОРАТИ

Эрталаб барвақт океан соҳилига келган Рио-деЖанейро аҳолиси галати бир воқеанинг гувоҳи бўлди.

80 ёшли пенсионер Гастон Ди Фигейреду Нитерреддаги Карраи соҳилидан Рио-де-Жанейродаги Копакобан соҳилигача бўлган Гуанабара кўрфазини бўйлаб сузиб ўтди. У уч соат ичида 22 километр масофага сузди.

80 ёшли спортчи яқин вақт ичида соҳил ёқалаб узоқ масофага сузиш ниятидадир. У ўзининг сузишга бўлган иштиёқини "танасининг ҳисмоний жиҳатдан яхши бўлишини" хошлаётганлиги билан изоҳлайди.

Ё ЭР, Ё МУШУК

Инглизлар ҳайвонларни "жонларидан ортқ" суношлар, уларни ҳаттоки оила аъзоларидек қўришлари кўпчиликка сир эмас. Йилга бу ерда "Умумий мушуклар кўни" ўтказилиб турилади. Аунанга айланган кўнинг бу йилги нишонланishi жараёнида мушукларни ҳимоя қилиш лигаси 800 нафар болакайлардан сўров ўтказилди. Уларга биргина: "Уйингизда мушукнинг мавқеи қандай?" деган савол берилди.

Ҳар учинчи бола, онасининг меҳри отасига қараганда мушукга кўпроқ тушганлигини, укаси ё синглисига қараганда мушукни эркалашини маълум қилди.

Бува ва бувиларнинг ҳатти-ҳаракатларига бирмуноа чидаса бўлар экан. Чунки ҳар 6 боладан бири юқоридаги ҳодиса "бува ва бувиларда рўй бериши"ни қайд қилган. Мушукларни хуш кўрмайдиган инглиз эркачларига, тадқиқот натижаларига кўра, турмуш ўртоқлари билан мушук баҳона жанжаллашганда "Ё мени де, ё мушукни" деган шарт зимҳор оғизларидан чиқиб кетмаслигини маслаҳат беришди.

ФИНЛАР БИРИНЧИ

Қайси мамлакатда қаҳвани кўп истеъмол қилишадими? Агар бу саволга Бразилияда, деб жавоб бермоқчи бўлсангиз, янглишасиз. Бу борада дунё бўйича Финляндия биринчи ўринда бўлиб, "Гиннесснинг рекордлар китоби"га номи зикр этилишига лойиқ экан. Бу ерда аҳоли жон бошига (эмандиган болалардан ташқари) бир йилда 12 килограмм қаҳва тўғри келаркан. Шунинг учун бўлса керак улар қаҳвани ўзимизнинг миллий эчимлигимиз, деб ҳисоблашадими. Бир кунда 4-5 қадах қаҳва ичиш улар учун норма. Финлар тез эрийдиган қаҳва қуқунидан кўра қайнатилдиган хилини афзал қўришади.

Маълумки, Финляндияда истеъмол молларининг нархи баянланд, лекин қаҳва жуда арзонга сотилди. Бундан ташқари, вақти-вақти билан унинг баҳоси туширилиб урилади. "Хельсинки саномат" рўзномасининг хабарига кўра, худди шу пайтда одамлар кўплаб қаҳвани ғамбал қўядилар. Шунинг учун финларнинг озиқ-овқатга кетадиган оилавий бюджетининг атиги 5,1 фоизи қаҳвани сарфланади.

Музейларда

АЖДОДЛАР САДОСИ КЕЛАР

Кишилик жамияти ҳаётида рўй бераётган воқеликларнинг бир-бирига ўхшамайдиган, фақат ўзигагина хос бўлган юзага келиш бору. Ҳар биримиз учун ўтмишимиз — ўтган отабоболаримиз, муқаддас тарихимизнинг уйғунлашуви мангигида бутун Ўзбекистон халқи тарихи намоян бўлади. Демак, Ватан тарихи ҳам барчамиз учун муқаддас. Уни муқаддаслигича авлоддан-авлодга етказиш биз учун олий қадрият ҳисобланади.

Ўзбекистон мудофасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг "Шонли Ватан тарихи" музейи ёш авлодди Ватанининг муносиб ватанпарварлари этиб тарбиялашда ўзига хос тарбия ўчоғи вазифасини ўтаб келяпти.

Донишманд шарқликлар, шу жумладан, ўзбек халқининг бебаҳо қадриятлари ва маданиятига ҳаҳон халқлари, айниқса европалликлар катта қизиқиш билан қараб келганлиги ҳаммамизга яхши маълум. Рўйи-замин сайқали Самарқанд, муқаддас ислом дини қуввати Бухоро, кўҳна шаҳри азим Хивадаги обидалар улуг аждодларимиз юксак ақл-заковати, қалб қўри билан бунёд этилганки, бегумон абдабията даҳлдордир. Менталитетимиз ана шундай ўзига хос миллий ва умуминсоний қадриятлару фазилатларга эга. Мозийдан сўзловчи нодир китоблар саҳифаларида Хожа Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбандий, Ал-Бухорий, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби даҳо аждодларимиз борлиги қалбимизни ифтихорга тўлдиради. Азизларимиз руҳини шод қилиб, қадимжоларни зйёрат этиш биз авлодлар учун фарзидир.

"Шонли Ватан тарихи" музейи 2001 йил 18 май — "Халқаро музейлар кўни" да тантанали равишда очилганлигида ҳам чўқур мазмун-моҳият мувожаас. Шундан бери ҳар йили "Халқаро музейлар кўни" муносабати билан фахрийлар ва ташкилот ўқув муассасалари, Тошкент Бирлашган техника мактаби курсантлари иштирокисда "Икки авлод учрашуви" мавзусида катта тадбир ўтказиб келинади. Мана шундай маънавийт масхаллари ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳар доим ҳам аҳамияти беқиёс бўлиб келган.

Музейнинг кириш қисмида Миллий истиқлол гоҳисини шакллантиришда буюк аждодларимиз жасоратларини қамраб олган ўзбек давлатчилиги тарихи, ватанпарварлик туғйгуларини қарор топтиришда

Ҳаммага аёнки, касалликни даволагандан кўра унинг олдини олиш инсонлар саломатлигини мустаҳкамлашда яхши самара беради. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимида ва Давлат санитария эпидемиология назорати марказлари томонидан кўплаб чоратадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзимизнинг ва бошқаларнинг турмушига ҳолисона назар ташласак, бугунги ривожланиш ва юксалиш даврида кишилар ўз соғлиқлари устида етарли даражада қайғурмасликларининг гувоҳи бўламиз. Қолаверса, бизлардан келажакка соғлом авлод қолиши керак. Соғлом ота-онадан соғлом фарзанд дунёга келади.

Инсон саломатлигига путур етказувчи салбий омиллар ҳақида сўз юритар эканмиз, бугунги кунда турмушимизда учраб турадиган (айниқса байрамларда) озиқ-овқат маҳсулотларидан гуруҳли захарланишлар (бирданига 2 ва ундан ортқ одамлар касалланиши) учрамоқда. Чунки ҳар кун озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилганимиз, тайёрлаймиз, харид қиламиз ва сотамиз.

Битта-иккита, оилавий, баъзан гуруҳли авж олиш қўринишида учраб турадиган овқатдан захарланишларнинг бир тури бу стафилаккоки овқат токсикоинфекциясидир. Стафилаккоклар кремли қандолат маҳсулотларида тез қўяндай ва ўзиндан эндотоксин ишлаб чиқаради.

Одам организмига ҳазм йўллари орқали овқат маҳсулотлари билан стафилаккокининг тушиши натижасида қисқа вақт ичида тана

улуг ватандошларимизнинг ибрат бўлгулик ҳаётини акс эттирувчи санъат асарлари ўрин олган. Музей асосан бир-бирини мавзу қўламин билан тўлдириб борадиган бешта бўлим ва яна алоҳида бир

ўтган қисқа давр ичида кўплаб "Ватанпарвар" ўқув муассасалари курсантлари, ўқувчи ва талаба-ёшларимиз, ишчи-хизматчилар ва умуман юртимиз фуқароларининг сеvimли масканига айланиб бормоқда.



бўлимдан иборат бўлиб, ҳар бир бўлим тарихий даврларни тўлақонли акс эттириш билан бирга, мавзу жиҳатидан бир-бирини тарихий тараққиёт пиллапоаялари билан тўлдириб боради. Яъни илк ўзбек давлатчилигидан то ҳозирга қадар бўлган даврларни тарихий маълумотлар ва экспозициялар, шунингдек осорини-атикалари орқали ёритиб беради.

Юртбошимиз шундай деганлар: "Хотирасиз келажак йўқ. Агар миллат ўзининг порлоқ келажагини кўрмоқчи бўлса унинг хотираси ҳаммизга уйғок бўлмоғи лозим. Чунки, халқ миллат кечаги ҳаётидан, ўзи босиб ўтган оғир ва машаққатли кунларда тарих синовларидан зарур ҳулоса ва сабақлар чиқармоғи даркор. Ўтганларнинг хотираси олдида таъзим бажо келтириш, инсонни тириклик чоғида қадрлаш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз бўлмоғи лозим". Музей

дан бири ўзининг таваллуд топанг кунини нишонлаш мақсадида уйига қариндошларини тақдиф қилади. Қариндошлардан бири меҳмонга бир тоғора кремли пирожний маҳсулотидан олиб келган. Бу маҳсулотни ҳонадон бекаси бошқа меҳмонларнинг туғунларига солиб юборади. Бу маҳсулотдан истеъмол қилган 15 киши "тез ёрдам" машинасида бирин-кетин шифохона

Шаҳардаги энг гавжум жой — автобус, трамвай, троллейбус бекатлари бўлса керак. Йўловчилар бир лаҳза бўлса-да ўша бекатларда транспорт қутишади. Афсуски, баъзи бекатларда туриб таъбинг тирик бўлади. Бекат деворлари ва устунларига, симёғочларга турли ёзувлар, эълонлар ёпиштириб кетишлари гаша тегади. Оддий эълонлар бўлса бошқа гап. Гоҳо одамнинг нафсониятига тегадиган бўлмағур суратлар, беҳаё гап-сўзлар ҳеч кимни бифарқ қолдирмайди.

Сиз нима дейсиз?

БЕКАТДАГИ ТОМОША

Шундай ҳолларда бу ерда назоратчи йўқми ёхуд бунга ким мутасадди, дейишга ўрганиб қолганмиз. Бироқ ўзимиз, ўз вилдонишимиз нега назоратчиликни ўргата оламиз? Ҳар кун тонгда бекатларни озодагина қилиб супураётган опахонларни кўраемиз. Уларга ташаккур айტიб келади. Қанийди кун бўйи бекатларни шудок озода сақлашга эришсак! Таассуфки, кўп ўтмай бекат атрофида пистафуруш ва тамакифурушлар пайдо бўлишади. Қарабикки, баъзилар эрмакка писта қачиб ё тамаки тутатиб, қолдинини оёқ остига шундай ташлаб кетаверадилар.

Ўз ҳовлигини ё ҳонадонингизда ҳам шундай иш қиласизми, дея хайқиргинг келади. Баъзи жойларда шундай огоҳлантиришга кўзингиз тушади: "Ахлат ташламанг! Жарима-5000 сўм". Эҳтимол, шунга ўхшаш чораларни бекатларда ҳам қўлаш маъқулдир? Нима бўлганда ҳам умумий уйимиз бўлган ана шаҳримизни тоза-озода сақлашимиз ҳам фарз, ҳам қарзидир. Бу соғлигимизни сақлашда, маданый, маънавий оламимизни турли гуворлардан асрашимиз ҳам муҳим ўрин тутди.

Азизжон ДЎСТБОЕВ

2005-Сихат-саломатлик йили

СОҒЛИҚ — БЕБАҲО БОЙЛИК

2005 йилни Сихат-саломатлик йили деб эълон қилиниши, инсонлар соғлиги биринчи ўринда турганлигидан, нимаки ишлар қилинса инсонларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, турмуш шароитини яхшилаш учун қиланётганлигидан албатта.

лан шифохонага ётқизиши даркор.

Касаллик кўпинча истеъмол мuddати ўтган, номаълум шароитларда тайёрланган, сифатини кафолатловчи ҳужжатлари бўлмаган, сақлаш ва ташлишишда санитария-гигиена қонун-қоидалари бузишган кремли пирожний ва торт маҳсулотларини истеъмол қилиш натижасида юзага келади. Бугунги кунда бундай маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар кам бўлсада фаолият юритмоқда. Аммо айримлари қонуний ҳужжатларни расмийлаштирмаган ҳолда фаолият юритишаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Ишлаб чиқариш технологияси жараёнида санитария-гигиена қонун-қоидаларига риоя қилмасдан ишлашлари тўғайли бир қанча салбий оқибатлар келиб чиқмоқда. Ҳамшаҳарларимиз

нага овқатдан захарланиш ташхиси билан ётқизилди. Эпидемиологик кўзатув олиб борилганда бу маҳсулотни кўчада сотиб юрган номаълум бир шахсдан олинганлиги аниқланди.

Бундай ҳолатлар кузатилганда илоҳи борица шифохорга мурожаат этиш, уй шароитида билар билмас даволамаслик керак, акс ҳолда ёмон оқибатлар келиб чиқиши мумкин.

Овқатдан захарланишининг олдини олиш мақсадида қуйидаги тавсияларга эътибор қаратилса эътибордан ҳоли бўлмас эди.

— Бозорларда, бекатларда ва аҳоли гавжум бўладиган жойларда фуқаролар томонидан сотилаётган номаълум шароитда тайёрланган, сифатини кафолатловчи ҳужжатлари бўлмаган кремли торт маҳсулотлари

ни ва бошқа тез бузилувчи озиқ-овқатлар маҳсулотларини харид қилманг.

— Савдо дўконларида кремли қандолат маҳсулотларини савдо қилиш учун шароит яратилмаган, номаълум шароитларда тайёрланган, сифатини кафолатловчи ҳужжатлари бўлмаган маҳсулотларини харид қилманг.

— Кремли қандолат маҳсулотларини, қолаверса бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишда савдо дўконларидан маҳсулотларнинг сифатини кафолатловчи ҳужжатларини ва ишлаб чиқарилган санас ва сақлаш шароити ва мuddатига эътибор қаратинг, мавжудлигини таллаб қилинг, истеъмол мuddати ўтган бўлса харид қилманг.

— Маҳсулотларга ҳос бўлмаган қути ёки бошқа қандолат идишда қўлбола қадокланган, сақлаш мuddати, шароити ва сифатини кафолатловчи ҳужжатлари бўлмаган маҳсулотларини харид қилманг.

Юқоридаги ҳолатлар аниқланса, илоҳи борица зудлик билан тегишли идораларга маълумот беришга, ўз яқинларингизни, ўзингизни соғлигингизни асрашга ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз.

Дунёда энг бебаҳо бойлик — инсон саломатлиги, уни сақлаш, узоқ умр қўриш ҳар бир инсоннинг ўз қўлида.

Орифхон НИҒМОНОВ, Утчета туман Давлат санитария эпидемиология назорати маркази Овқатланиш гигиена бўлими санитар шифохори

**Спорт**

**ЯРИМ ФИНАЛДАН ҚАЙТИШДИ**

Вьетнамнинг Хошимин шаҳрида мини-футбол бўйича Осиё чемпионати баҳслари ташкилланган бўлиши ҳақида аввал хабар берган эдик. Ушбу нуфузли турнирда Ўзбекистон терма жамоаси ҳам катнашганидан мухлисларнинг хабари бор албатта.

Гап шундаки, мини-футбол бўйича минтақамизнинг кучли терма жамоаларидан бири ҳисобланган Ўзбекистон терма жамоасига бу галги Осиё чемпионати мусобақалари омадсиз келди. Чунки ўз гуруҳида рақибларини енга олган, чорак финалда ҳам ғалаба қозongan ҳамюртларимиз ярим финалда азалий рақиблар Эрон терма жамоасига рўбарў келишди. Очиги, ҳамюртларимиздан ўйин давомида яққол устунлик қилган эронлик мини-футболчилар муҳим баҳсни 4:1 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал эта олишди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, беш йилдан бери халқаро мусобақаларда Ўзбекистон-Эрон терма жамоалари ўзаро беш марта куч синашишган ва ҳар учрашув эронликларнинг ғалабаси билан аяқланган. 2001 йили уюштирилган Осиё чемпионати финалида ҳам Ўзбекистон — Эрон терма жамоалари чемпионлик учун кураш олиб борган. Аммо, учрашувда яққол устунлик қилган эронликларга ғалаба насиб этганди.

Умид қиламизки, Ўзбекистон терма жамоаси кейинги халқаро беллашувларда албатта муваффақият қозонади.

**ОЛИМПИА ШОН-ШУХРАТИ МУЗЕЙИДА**

Макаода каратэ бўйича қитъамизнинг энг сара каратэ усталари иштирокида бўлиб ўтган еттинчи Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари зафар кучиб учта олтин медални қўлга киритди. Дарвоқе, 2 та бронза медални ҳам ўзбекистонлик спортчиларга тантана билан топширилди.

Истиқлол шарофати тўғрисида ёшлар орасида тобора оммалашаётган каратэнинг жадал суръатда ривожланаётганлигини Макаодаги нуфузли турнир яна бир қарра исботлади. Илхом Каримов, Софья Каспулатова сингари спортчиларимизнинг маҳорати мутахассислар мухлислар томонидан эътироф этилди.

Олимпия шон-шухрати музейида спортимиз мутасаддилари, каратэ федерацияси вакиллари, мураббийлар, фахрийлар ҳамда терма жамоа аъзолари иштирокида тадбир бўлиб ўтди. Унда Макаода ўтган қитъа биринчилиги ғолиблари ва совриндорларига совринлар, эсдалик совғалари тўхфа этилди.

(Ўз мухбиримиз)

**Анжуманлар**

**БИЛИМ, ТАДҚИҚОТ ВА ТАФАККУР КЎРИГИ**

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида «Фан ва техника тараққиётида ёшлар» мавзусида иқтидорли талабаларнинг бешинчи илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Университет ректори, профессор Шораҳмат Шообидовнинг кириш сўзи билан бошланган анжуманнинг ялпи мажлисида талабаларнинг долзарб мавзудаги маърузалари тинланди. Анжуманда фундаментал, ижтимоий-гуманитар фанлар, электроника ва автоматика, ахборот технологиялари, кимёвий технология, геология ва разведка, кончилик иши ва металлургия, механика, машинасозлик, энергетика ва энергия тежамкорлиги, иқтисодиётни каби илмий йўналишлар бўйича иш олиб борилди.

Юқорида қайд этилган йўналишлар бўйича ташкил этилган шўъбаларда Тошкент Давлат техника университети (ТДТУ), пойтахт ва вилоят олий ўқув юртрали иқтидорли талабаларининг 550 дан ортиқ маъруза ва бошқа илмий чиқишлари тақдим этилди. Уларнинг қисқача баённомаларини (тезислари) ўз ичига олган

тўрт қисмдан (жилдан) иборат тўпلام, иқтидорли талабалар тақдим этган илмий ишларнинг мазмуни ва кўламини, долзарблиги, таҳлилий даражасини кўрсатибгина қолмай, балки фан ва техника тараққиётининг долзарб йўналишларини, фанлараро ва ишлаб чиқариш билан интеграция даражасини белгилашдаги имкониятини янада кенгайтиради.

Анжуман доирасида иқтидорли талабаларнинг «Энг яхши илмий маъруза» танлови ҳам ўтказилди. Танловда 100 дан ортиқ иқтидорли талаба иштирок этди. Танлов якунида маърузалари долзарб ва илмий жиҳатдан салмоқли деб топилган 8 нафар талаба кимматбахо совғалар билан, 50 нафар талаба Фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Анжуманда маърузалар ва бошқа илмий чиқишлар, баҳс-мунозара ва бошқа қатор тақлиф, тавсияларда, кафедраларда ўтади-

ган семинарларда, илмий-услубий кенгашларда иқтидорли талабаларнинг маърузалар билан қатнашиш аънанасини давом эттириш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси институтлари ва уларнинг тажриба марказлари билан алоқаларни ривожлантириш, тақомиллаштиришга иқтидорли талабаларни давлат бюджети грантларига ҳўжалик шартномаси бўйича илмий ишларга жалб қилиш ва уни янада кенгайтиришга, бажарилаётган илмий ишлар натижаларининг салмоқли бўлишига, иқтидорли талабаларга билим олиш ва тадқиқот ишларини кенг кўламда олиб бориши учун замонавий компьютер ва ахборот алмашиш тизимидаги INTERNET алоқа тармоғидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, лаборатория ва илмий адабиётлар билан таъминлаш, мавжуд кутубхоналарнинг илмий адабиётлар базасига улар билан боғлиқ муаммоларга эътибор қаратилади.

Аънанга айланган ва келгусида ТДТУда ўтадиган иқтидорли талабаларнинг олтинчи илмий-амалий анжуманига унинг йўналишлари бўйича, хорижий талабаларнинг қатнашишларини таъминлаш юзасидан тақлифлар, университетдаги иқтидорли талабалар билан ишлаш гуруҳининг қатъий режа асосида иқтидорли ёшларнинг маълумотлар базасини яратиш ва уларни мақсадли тайёрлаш борасида ҳам фикрлар билдирилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

**Қақша**

**ШАМ ЁҚАЯПМАН**

Етмиш ёшли аёлнинг уйига электрокомпаниядан усталар келиб лампочка ўрнатишиб, кампирдан кўп ҳақ олиб кетишган эди. Орадан бир неча ҳафта ўтгач, яна текширгани келишди. — Сиз бизнинг электрокомпания ходимлари ишидан хурсанд-мисиз, энди уйингиз роса ёруғ бўлиб қолгандир! — Э-э, нимасини айтасиз, лампочка ёнаётганини билиш учун шам ёқиб қарайман.

**ҲАЙРАТЛАНИШ**

Жонсон телефон компаниясига ишга кирди. Бошлиғи унга янги калитни топшириб деди: — Шаҳар бўйлаб телефон-автоматлардан пулларни ййиб олсан! Бир ойдан кейин Жонсон бошлиқнинг олдига қийшайиб кетган калитни алмаштириш учун келди. — Қаерларда юрибсан? Кассирга учраб маошингни олмайсанми? — Ия, ҳали менга маош ҳам тўланадими? — ҳайрон бўлди Жонсон.

**ЯНА НИМА ИСТАЙСИЗ?**

— Кечаси билан икки сичқон қийшайиб ухлай олмадим. Бу қандай беъмаъни меҳмонхона ўзи? — Нега нолийсиз?! Берган уч долларингиз учун сизга сичқон қийилламай, буҳаларнинг бақирган овози эшитилсинми?

**РАҚОБАТ**

Бир оёғини операция қилдирган бемордан жарроҳ сўради: — Хўш, ҳамкасабам оёғингизни кесиш учун қанча ҳақ олди? — 500 доллар. — Вой-буй? Нима дедингиз! Сизни алдабди у. Мен бўлганимда шунча ҳақ учун сизни икки оёғингизни кесган бўлардим.

**ЭНДИ ТУШУНДИ**

Судья жабрланувчидан сўради: — Қўшин мени бегемот деб ҳақрат қилди, деб шикоят қилибсиз. Нега энди уч йил ўтган судга бердингиз! — Яқинда мен ҳайвонот боғига борган эдим, у ерда жуда бад-башара, баҳайбат, турки совуқ ҳайвоннинг пешонасига бегемот деб ёзиб қўйишибди, — деди даъвогар.

**КЎПГА ЧИДАЙДИ**

Пойабзал магазинида: — Бу тўфли кўпга чидайди?! — Уйлабманки, хоним кўпга чидайди. Чунки иккинчи жуфтини олган харидор бизнинг магазинга қайтиб келмапти.

**ҲОЗИРЖАВОБ ОФИЦИАНТ**

Тушлик вақтида овқатланиш учун кириб келган хўранда столга ўтиргач, менюни олиб официантга: — Қани айтингчи, мен қайси овқатларни буюрсам сифатли овқатланаман?... Официант: — Яхшиси сиз нариги кафега кириб овқатланг...

**ТУШДАГИ МИЛЛИОНЕР**

Икки эркак сайр қилиб юриб бир-бирига: — Буни қаранг, — деди биринчиси, — мен хотинимнинг тушида миллионер бўлибман. — Бахтли экансиз, сиз тушда миллионер бўлибсиз, — деди иккинчиси. — Менинг хотиним эса гўё мен ўнгимда миллионердек кўп нарсаларни харид қилади.

Ўзбекистон терма жамоаси Жаҳон чемпионати саралаш турнири иккинчи босқич беллашувида иштирок этаётганлиги боис, олий лига жамоалари ўртасидаги XIV миллий чемпионатнинг 7-туридаги айрим ўйинлар кечиктирилганди.

**Футбол**

**КЕЧИКТИРИЛГАН ТУР БЕЛЛАШУВЛАРИ**

Куни кеча мамлакатимизнинг Фарғона ва Наманган шаҳарларида еттинчи турнинг кечиктирилган учрашувлари ўтказилди. Ўтган йилги мавсумда олий лигада илк бор иштирок этганликларига қарамай, олтинчи ўринни ҳақли равишда кўлга киритган шахримизнинг «Локомотив» жамоаси Наманганда «Навбахор» меҳмонига айланди. Рақибларига муносиб қаршилик қилиш мақсадида мезбонлар дарвозаси томон кўп марта шиддатли ҳужумлар уюштирган олган кенонглик чарм тўп усталаридан ҳал қилувчи паллада омад юз ўғирди. Футболда «Сен урмасанг, сенга

уришади» деган ибора бежиз эмас. Тажриба, маҳорат бобида олий лиганинг янги вакили «Локомотив»дан устунлик қилган наманганлик футболчилар 90 дақиқа мобайнида меҳмонлар дарвозасига учта жавобсиз тўп йўллаб олишди. Мухлисларга қувонч бахш этган тўпларни дарвозага Хожиев, Иванов ва Маҳмудовлар киритишди.

Ўз майдонида «Шўртан» жамоаси билан куч синашган «Нефтчи» футболчилари ҳам уюшқоқ ўйин намойиш этиб 5:0 ҳисобидаги ғалабани кўлга киритишди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР**

«Меҳрли савдо» Давлат корхонаси 2005 йил III чорагида қуйидаги озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш учун тендер савдолари ўтказилишини маълум қилади:

- шакар
- сариғ
- биринчи тоифали музлатилган мол гўшти
- Тендер тақлифларини қабул қилиш ҳамда тендер ҳужжатларини бериш ҳар куни соат 9-00 дан 17-00 гача қуйидаги манзил бўйича амалга оширилади:
- Тошкент шаҳри, 700000, Мирзо Улуғбек тумани, А.Икромов кўчаси, 27-уй. Телефонлар: 137-14-59, 137-45-15, факс: 137-14-92. Тақлифларни қабул қилишининг охири мuddати
- 2005 йил 24 июнь, соат 17-00 гача.
- Танлов асосида қуйидагиларни харид қиламиз:
  - ҳар хил турдаги ёрмалар, жумладан:
  - гуруч, майдаланган нохот, перловка, гречка, ловия, мош;
  - какао кукуни, кофе, чой;
  - ҳамиртуруш (дрожжи), лавр япроғи, майдаланган қора муруч.
- Шу билан бирга корхона Россияда ишлаб чиқарилган оғирлиги 1/340 граммли димланган мол гўшти консервасини сотади.

 <p><b>Бош муҳаррир</b> <b>Акмал АКРОМОВ</b></p> <p>Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32</p>	<p><b>ТЕЛЕФОНЛАР:</b> хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65; факс: (3712) 133-21-56.</p> <p>Ҳўжми — 2 босма тўбюк офсет усулда босилади. 3684 нусхада босилади. Қўроғ бирими А-3</p>	<p><b>Газета Тошкент шаҳар</b> <b>Матбуот ва ахборот</b> <b>бошқармасида 02-1-рақам</b> <b>билан рўйхатга олинган.</b></p> <p>Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кўнлари чикади. Нашр кўрсаткичи — 563</p>	<p>Нашригизни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўғимларига ёки «Тошкент почта»мига — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.</p> <p>Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.</p> <p>«Шарқ» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.</p>
--	---	--	--